



МШОНЧИ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

48/49

1994 йил 3 декабрь (190-191)

САМИМИЙ МУЛОҚОТ



29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг республикамиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, маҳаллий ва чет эллик журналистлар билан учрашди.

Ислам Каримов йилгиланларга шу йилнинг августида бўлган учрашувдан сўнг ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар хусусида сўзлади. Ўзбекистон раҳбари, жумладан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг минтақавий ваколатхонасини очибга келишиб олинган семинарнинг муҳим натижаларидан бири бўлганини айтди.

— Биз Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг жаҳонда, жумладан, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва оқошталлик қарор топиши йўлида қилаётган ишларини юксак баҳолаймиз, деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон бу обрўли ташкилотнинг Венгрияда яқинда ўтказилган анжуманига ҳам жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Америка Қўшма Штатлари давлат департаментининг МДХга аъзо мамлакатларга нисбатан сиёсий бош мувофиқлаштирувчиси Жеймс Кош муносабатларига делегациянинг мамлакатимизга ташрифи

ЎзбекистонАҚШ муносабатлари тарихида муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон Президенти ўзаро муносабатлар чегарасида ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашга ҳамда Ўзбекистон ва Америка ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш имкониятларини тўлароқ рўёбга чиқариш мақсадида, ҳуқуқий асосларни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилганини, музокаралар якунида ҳамкорликни мустақамлаш юзасидан муҳим ҳужжатлар имзолаганини учрашув иштирокчиларига маълум қилди.

Шу йил 21 октябрда МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Ислам Каримов йилгиланларни ушбу учрашув якунлари билан таништирар экан, айрим сиёсий кунлар МДХ мамлакатларидаги мавжуд иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, халқларни жалғиштириш уринатганини, давлат тепасида турувчи сиёсий тузилмалар тузишни таклиф этиш билан собиқ империяни тиклашга интилаётганини айтди. Ягона парламент, ягона фуқаролик, ягона армия бўлишни кўзда тутувчи Евроосиё деб аталмиш иттифоқни тузиш каби таклифлар истиқлолга эришган давлатлар мустақиллигига жиддий хавф солишини таъкидлади.

— Ягона тўғри йўл иқтисодий интеграция йўлидан боришдир, — деди Ислам Каримов. — МДХ давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви чоғида давлатлараро иқтисодий кўмитанинг ташкил этилиши бу борадаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутди. Афсуски: орадан бир ярим ойга яқин вақт ўтса ҳам кўмитанинг ишида жонла-

ниш сезилмапти. Агар МДХ мамлакатлари амалий ишга киришмас экан, бу муҳим аҳднома ҳам қоғозда қолиб кетади.

Ислам Каримов Ўзбекистон-Хитой муносабатларига тўхталиб, яқинда Ўзбекистон давлат делегациясининг Хитойга ташрифи ўзаро алоқаларни ривожлантириш йўлида муҳим босқич бўлганини айтди.

Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг Истанбулда ўтган учрашуви ҳам халқаро майдонда сезиларли воқеа бўлди. Бироқ, айрим сиёсатдонлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари бу учрашувни нотўғри талқин қилишга уринмоқдалар. Ислам Каримов бундай уринишларнинг асосизлигини яна бир қарра таъкидлар экан, Озарбойжон, Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Туркия қардошлик аъзоларига таянган ҳолда кўптомонлама ва икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга аҳдлашганини ва бу ҳамкорлик ҳар бир давлатнинг миллий мустақиллиги ва эгаменлигига ҳурмат руҳида амалга ошишини баён қилди. Истанбулда қабул қилинган баённома Россия билан муносабатларга асло нифоқ солмаслигига ишонч билдирди. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия минтақадан тинчлик ва оқошталликни кафолатловчи мамлакат сиёсатида муҳим ўрин эгаллашини таъкидлади.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон расмий делегациясининг Украинага ташрифи ва Ўзбекистон-Германия маслаҳатлашувларининг учинчи босқичи якунларига ҳам тўхталиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон раҳбари Тожикистондаги вазият масаласига муносабат билдирди. Тожикистонда аҳволнинг яхшиланиши, миллий тўтувлик борасидаги илк ижобий ўзгаришлар юз бераётганидан мамнуният изҳор этар экан, ҳали республикада тинчлик ва оқошталлик қарор толгани ҳақида гапириш эрталигига эътибор қаратди. Халқаро ташкилотлар, ривожланган мамлакатлар ердасиз жабрдийда тожик халқи бу йилги қишнинг талафотсиз кечирishi гоят қийин. Бироқ, айрим мамлакатлар, халқаро ташкилотлар инсонпарварлик ердасизлигини у ёки бу гуруҳнинг сиёсий ақидаларига қараб тарқатмоқдалар. Ислам Каримов инсонпарварлик ердасиз муҳолиф гуруҳлар сиёсий қарашларини эътиборга олиб эмас, сиёсий ўйинлардан энг кўп талафот кўрадиган халққа мўлжалланиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов Афғонистон ташқи алоқалар давлат вазири Н. Лафронининг мамлакатимизга ташрифи чоғида Ўзбекистон Қобулга инсонпарварлик ердасиз курсатишга тайёр эканини маълум қилди. Бу юкларни Афғонистон халқига етказишда БМТ ердасиз курсатишга умид билдирди. Президент Афғонистон вазирининг ташрифи Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирига ташаббуси билан амалга ошганини, музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожини, Ўзбекистон-Афғонистон, Тожикистон-Афғонистон чегараси дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинганини қайд этди.

Мамлакатимиз муҳим сиёсий воқеа арафасида турибди. Юртимизда 25 декабрь куни илк бор парламентга кўппартиялик асосида сайлов бўлиб ўтади. Юртбошимиз бу муҳим тадбирнинг мамлакатимизда демократияни мустақамлаш, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги аҳамиятига тўхтади. Сайловда кузатувчи сифатида қатнашиш учун БМТ, ЕХХК, Европарламент ва МДХ вакиллари таклиф этилганини айтди. Шу йил 14-16 ноябрь кунлари сайловни ташкил этиш юзасидан ўтказилган семинар ўзининг ижобий натижаларини бершига умид билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов самимий руҳда ўтган учрашувда хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари ва журналистларнинг республикамиз ички ва ташқи сиёсатида оид кўллаб саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Амирқул КАРИМ.
(ЎЗА).

ХАБАРЛАР МАҒЗИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА Орол бўйидаги йирик тўқимачилик мажмуи — "Элтекс" Эллиққалъа тўқимачилик комбинати ишга туширилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармонида биноан республикада цирк санъатини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этаётганлиги учун Х. К. Зарипов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлган Европа Тиклашиш ва тараққиёт банки директорлар кенгаши аъзоларидан иборат делегацияни қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ Расулмат Ҳасанов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиғи вазири этиб тайинланди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг "Экиллари пайхон қилишга қарши курашишни кучайтириш тўғрисида"ги Фармони билан имзолади.

РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Тошкент шаҳар транспорт-коммунал ҳўжалиғини қишга тайёрлаш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

"ЕРДАН фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон чиқарди.

МАМЛАКАТИМИЗДА меҳмон бўлган Миср Араб Республикасининг таълим вазири Хусайн Комил Бахоуддини Республикаимиз Президенти Ислам Каримов қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Ислам Каримов Адлия вазирига унинг тарихий тузилмаларни ташкил этилганлигининг 70 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз аҳлия тизими ходимларини табриклади. Президентимиз Фармонига кўра аҳлия ва суд ходимларидан бир гуруҳи Республикаимиз Фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармони кўра турдаги пенсияларини ошириш тўғрисида фармон чиқарди.

РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамаси "Экосан" халқаро экология ва саломатлик жаамгармасини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида" қарор қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармони кўра Ўзбекистон Ногиронлар жаамияти, Ўзбекистон карсоқовлар жаамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жаамияти, "Ўзбекистон ветеран жангчилар бирлашмаси" ва "Ўзбекистон чернобилчилар" уюшмаси Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

БЕЛҒИЯ қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Мишель Адам ҳамда Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Андрис Вилцанс Президентимиз Ислам Каримовга ишонч ёрлиқларини топширдилар.

АЖИНИЁЗ номидаги Нукус давлат педагогика институтини ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Фахрий унвон ва Фахрий ёрлиқларга сазовор бўлдилар. Шунингдек, "Ўзнефтьгаз" миллий корпорацияси ва "Ўзмонтажмахускурлиш" уюшмаси корхоналарининг бир гуруҳи ходимлари ҳам ана шундай мукофотларга сазовор бўлдилар.

12-Исломобод сайлов участкаси



Учқўрғон туманидаги 26 та сайлов участкасида Республика Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтказиладиган сайловга жиддий ҳозирлик кўрлямоқда. Суратда: Тумандаги "Исломобод" сайлов округи комиссияси райиси Р. Қирғизбоев сайловчилар даврасида.

П. АКБАРОВ олган сурат.

АДИБ ТЎЙИГА ҲОЗИРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик юбилейини ўтказиш бўйича ташкилот кўмитасининг мажлиси бўлди. Уни мазкур кўмида раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Сандқосимов бошқарди.

Адиб юбилейи шу йил 6 декабрь куни нишонланадиган бўлди. Шу куни адиб номидаги маданият ва истироҳат боғида Абдулла Қодирий бюсти очилди. Киночилар уйида тантанали кеча ўтказилди.

Тантананага тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев, Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Жамол Камол ахборот берди.

Мажлисда Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Президентининг Матбуот котиби М. Мухаммад Дўст иштирок этди.

БУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

МУБОРАК КОНСТИТУЦИЯМИЗ қабул қилинганга 2 йил тўлаётди. Мустақилликка мушарраф бўлган халқимиз нурилик истиқбол сари дадил ва жадал одимлашга нурафшон йўл очиб берди у. Давлатларимизнинг эртасини яқинлаштиришимиз учун ҳар биримизга муносабат имкониятлар яратиб берди. Тақдиримизни ҳал этиш ўзимизга боғлиқ. Чунки Асосий Қомусимизда инсон шахси ва жаамиятимизнинг ҳуқуқий манфаатлари, давлат ҳокимияти тузилиши, идоралар фаолиятини ташкил қилишларининг мезонини қондалари чуқур мазмун билан ифода этиб берилган унда. Мана икки йилдирки янги Конституцияга мувофиқ ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлигини бутун вужуди билан ҳис қилмоқда, фаровон кунларни яқинлаштиришга куч гайратини, ташаббусини бахш этмоқда.

Ўзбекистон келажағи буюк давлат бўлиб, жаҳон ичра жаҳон бўлиб, яшнаши учун муносабат ҳисса қўшиш, шу азиз ватаннинг ҳақиқий фарзанди бўлиши билан ҳар кимнинг қалби гурурга тўлаётди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунилари фуқароларининг сайлов ҳуқуқларини ҳам тўлиқ ҳимоя қилаётгани ва сайловчиларга эркин ўз хоҳиш-иродаси билан давлатни идора қилишда иштирок этишнинг таъминлашлар ҳам бугунги кунда кўзга яққол ташланиб турибди.

Сайлов ҳуқуқларининг кафолатланиши, мамлакатимизда демократик жараёнлар тўла тўкс ривожланаётганлигидан далолатдир.

25 декабрь куни ўтказилган сайлов мустақил Ўзбекистонимизнинг Конституцияси қабул қилингандан кейинги янги Олий орган — Олий Мажлиснинг сайлашга бағишланган биринчи сайлов ҳисобланади. Бу сайлов кўп партиявийлик асосида, энг демократик, энг адолатли сайлов қонунилар асосида ўтказиладиганлиги учун ҳам барча бошқа сайловлардан бутунлай фарқ қилади. Шунинг учун ҳам унинг аҳамияти, мавқеи мисли қўрилмаган даражада улугдир. Чунки бу сайлов мавжуд қонуниларга, Конституцияга амал қилинган ва республика шон-шўхратини яна бир қарра жаҳонга намоён қила

оладиган жараёнлар. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади, — дейилди конституциянинг 42 моддасида, — давлат жаамиятининг маданият, илмий ва техникавий ривожланишига гамҳўрлик қилади".

Бу жумлаларнинг мағзини қаққан ҳар бир фуқаро ўзининг илмий ва маданият савиясини оширишга, турли маданият жаамиятларга аъзо бўлишга, ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш, жаамиятимиз ривожига муносабат ҳисса қўша оладиган етук муттахасис, ҳунарманд, касбкор бўлиш учун барча имкониятлар муҳайё этилаётганлигининг моҳиятига тушунади. Ҳар ким янгиликлар яратиши, уни такомиллаштириш, ўзининг ижодини матбуот воситалари орқали чоп этдириб, элга тарқатиш ҳуқуқига эгадир. Айниқса билимга ташна ёш авлодининг орзу—истаклари рўёбга чиқиши ҳам давлат томонидан кафолатланиши катта бахт биз учун.

Республикамизнинг жуда кўп шаҳар, қишлоқларида ҳар қачонгидан кўра миллий маданият, қадимий аъналаримизни қайта тиклаш, санъатни ривожлантиришга бўлган иҳтиёж бугунчалик кучаймаган эди. Шунинг учун олий ва ўрта махсус ўқув юрларига кириб билиминини ошириш, мусиқа санъати, рассомчилик ва мезморчилик, тижорат ишлари бўйича тажриба, ҳунар орттиришга қизиқувчиларга шарт-шароитлар яратиларга катта аҳамият берилмоқда. Чунки буюк давлатнинг эртанги кунини пойдеворини мустақамлаш бугун зарур. Чунки бизнинг конституциямиз ана шундай эзгу иниятларни рўёбга чиқарувчи, миллий истиқлол ва умумбашарий истиқбол қонундир. Ана шу Асосий Қомусимиз моддаларини қанчалик иччиллик билан ҳаётга тадбиқ эта олсак, бугунги мураккаб кунларимизни мардона энгиш билан порлоқ истиқболни шунчалик тез қўра оламиз. Президентимиз таъкидлаганидек: "Бу азиз ватан барчамизники, унинг бахт сводати, ёруғ истиқболи, фаровон келажағи учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонини фидо қилиш учун шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир".



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

"ЎЗБЕКИСТОН"

ЎЗИНИНГ икки йиллигини нишонлаш арафасидаги миллий конституциямиз туб моҳияти, фалсафий, тарихий ғоясига кўра янги ҳужжатдир.

Икки йил давомида халқ онгига сингиб кетишида, унинг жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ўртасида ҳам обрў-этибор қозонишида инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги

фуқароси“ деган ажойиб қуйма атамани юзага келтирдик, бу юртда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди.

Инсон ҳақида эркин ва ҳур фикрли бўлиб яшаш учун интилади. Унинг ўз эътиқоди, қатъий ғояси бўлади. Шу жиҳатдан Конституциямизда виждон — бу иймондир. Иймонли эса бирор диний масъаб вакили саналади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли, донишманд фикрларини зукколик билан ишлатадилар: “Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади“. Унинг сўзларини тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қуймоқ керак. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчи эканлигини ҳар бир фуқаро бир дақиқа ҳам унутмаслиги лозим.

АДОЛАТ, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, мардлик, танглик каби улғу инсоний фазилатлар халқимиз учун ҳос хусусиятдир. Ўзбек халқининг мардлиги, меҳнатсеварлиги тарих шохидлик беради.

Албатта, давлатимиз асосий

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидagi юксак масъулиятни англаш, Ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирешларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳам-жихатликини кафолатлаш каби олижаноб мақсадлар ниҳоятда қўл келди.

Мустақилликнинг бош мақсади — Ўзбек миллати иззатини жойига қўйиш эди. Конституциямиз эса давлатни, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомуснома бўлиб, ҳозирги пайтда дадил одим отмоқда. “Шу маънода, — деб таъкидлайди Ислоҳ Каримов, — Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маъсулидир“.

Конституциямиз том маънода энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилиб, дунё миқёсида ҳар қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол куч сынашмоқда.

Тоталитар тузум даврида мутелик ва қарамчилик Конституцияда ҳам ўз аксини топган эди. Миллий Конституциямизнинг энг муҳим моҳияти шундан иборатки, унда “Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдига масъулдирлар, яъни фуқаролар манфаатининг устулиги Қонуний равишда мустақамланган ва кафолатланган“. Собик тузумда бундай фикрни ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмас эди. Ҳозирги демократик, инсонпарвар Ватанимизда ҳар бир инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳам эркинликлари муқаддас бўлиб, кўз қорачиғидай асралиб, давлат ҳимоясидадир.

Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл насаби, ирқи, миллати ва элатидан ҳамда бошқа ҳолатларидан қатъий назар, тўла ва даҳлсиз тенг ҳуқуққа эгадирлар. Бош Қомусимиз “Ўзбекистон

Қомусини ишлаб чиқишга халқимизнинг ушбу хислатлари етакчи мезон бўлганлиги шубҳасиздир.


Меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму-фанга интилиш, оғ-номус, ифрат ва ибо каби эзгу фазилатлар шу муқаддас Турон заминда яшаган ва яшаётган инсонлар учун ҳос хусусиятдирки, бу ердан дунё маданият хазинасига бекиёс ҳисса қўшган илму-фан арбоблари, Бобурдек ҳинд халқи меҳрини қозongan шахслар етишиб чиққанлар. Атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов Ўзбек халқининг Марказий Осиёдаги ўрни тўғрисида гапирар экан, бу фавқуллоддаги ҳодисани қадимги Юнон-Рим маданиятини Европага кўрсатган таъсирига қиёсланган эди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов Асосий Қонунимиз ҳақида фахр билан гапирар экан, Конституциявий қоида — миллий истиқлол мафкурасини яратиш олдимизда турган ниҳоятда муҳим вазифалардан деб ҳисоблайди. Миллий истиқлол мафкураси ўзбек халқи ва ўзбекистонликларнинг тарихий анъаналари, удумлари, тили, дини, руҳиятига асосланиб, истиқболли келажак туйғуларини онгимизга синдиришда хизмат қилади. Эркин, демократик ва ҳуқуқий давлат қуряпмиз. Ҳудудий яхлитлик, масофаларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш, иқтисодий-маданий алоқаларни самарали олиб бориш ташқи сиёсатимиз асосини ташкил қилади.

Маънавий — маданий кадриятларни янада юксалтириш бугуннинг долзарб талабидир. “Маънавий кадриятларни ва аҳлий салоҳиятини тиклаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар, ижтимоий ҳимояни кўзда тутган ҳуқуқий демократик давлат пойдеворини қуриш даврига қадам қўйди“, дея Президентимиз мустақиллигимизнинг истиқболига муносиб баҳо беради.

Дарҳақиқат, Конституцияда таъкидлаб қўйилганидек, шу йил 25 декабрь — Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга депутатларни сайлаш куни бўлиб, тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилажак.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.



ОРЗУЛАР РЎЁБГА ЧИҚАР

ЭРТА-ИНДИН Конституциямизнинг қабул қилинганига 2 йил тўлишини нишонлаймиз. Бу Конституция бандларидаги қатор талабларга мувофиқ икки йил ичида давлатимизда катта ўзгаришлар бўлганлиги ҳаммага маълум. Бу ишлар халқимизнинг онгини енгил қилишга қаратилган бўлди. Айниқса, мустақилликка эришганимиз, халқнинг фаолият юргизишида эркинликни қўлга киритганимиз Конституциямизнинг афзаллик томонларидан биридир. Мулкни ўз эгаларига топшириш, эркин тадбиркорлик ва ташаббускорликни ривож топтириш асосида турмушимиз даражасини яхшилашга қаратилган даро-

мадларни ошириш бўйича мустақилликлар берилдики, бу ҳам кўпчиликнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Бундай олижаноб мақсадларнинг қўлами кенг. Ана шу кенглик туфайли юртимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик авж олди. Худди ана шундай фаолият бошлаган Ҳабибулла Аскарлов ҳам беш укаси билан бирга Наманган шаҳрининг “Иттифок“ маҳалласидаги ташландик жойни сотиб олиб, янги бинолар тиклаб, “Муслимабону“ номи билан ишлаб-чиқариш савдо фирмаси ташкил этди. Ишнинг боши енгил кўчмади. Аммо Наманган шаҳар ҳокимлиги ердимида Япониядан тикув машиналари

ва бошқа асбоб-ускуналар олиб келишга муяссар бўлди. Дастлаб 25 нафар ишчи фаолият бошлаган фирмада ҳозир юздан ортиқ қиз-жувонлар меҳнат қилмоқда. Айни кунда жемпер, нимча, шим, кўйлак ва бошқа жун кийимлар, ёстиқ жилт, чойшаб каби 27 турда маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Фирмада ҳозир 8 миллат вакили аҳил ва иноқ иш юргизади. Унинг орзулари рўёбга чиқмоқда. Бундан барча мамнун.

Суратда ана шу ишчиларнинг бири — тикув цехи ходимаси Феруза Юнусова энг илгорлардан ҳисобланади.

Т. МАҲКАМОВ (ЎЗА) суратга олган.

— Анвар Аҳмедович, Олий Мажлисга сайловлар республикамизда биринчи бор ўтказилмоқда. Бизнингча бу кун муҳим воқеа сифатида жамиятимизни тобора ривож топтириш тарихи саҳифаларидан ўзига муносиб ўрин олиб қолади. Сиз бунга қандай баҳолайсиз?

— Ҳақ гап, еш мустақил давлатимизни мустақамлаш, унинг куч-қудратини ошириш, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан раванқ тоғдириш йўлида оламшумул воқеа бўладиган янги парламентни шакллантириш арафасида турибмиз. Бунинг аҳамияти бекиёсдир. Шунинг учун биз сайловчилар ҳам, депутатликка номзоди кўрсатилган вакилларимиз ҳам бунга жиддий ва алоҳида масъулият ҳис қилишмоқда. Чунки мамлакатимизнинг жадал тараққий этиши ана шу саъй-ҳаракатимиз, виждоний бурчимизни қандай адо этишимизга боғлиқдир. Шунинг учун бугунги сайловолди тараддудимиз ниҳоятда жиддий ва масъулият ҳис қилинган ҳолда ўтмоқда.

— Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган вакилларимиз ҳақида нима-лар дейсиз?

— Халқимиз ниҳоятда дидли ва одам танийдиган, яқин-йиронининг фазилатларини яхши баҳолайдиган халқ. Шунинг учун ҳам бу ишга ниҳоят даражада масъулият билан киришганликларини кўриб, матбуотда ўқиб турибмиз. Дарҳақиқат, депутатликка кўрсатилган вакиллар биринчи галда ўз шахсий ҳаёти, билими, ишчанлиги, уддабуронлиги, ташаббускорлиги ва бошқа ибратли хислатлари билан аксариятдан ажралиб туриши керак. Биринчи галда у ўзига нисбатан талабчан, ҳозиржавоб, эл-улус дилини яхши биладиган, унинг талабларини қондириш, орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун жон фидо эта биладиган бўлишлари зарур. Ана шундай инсонгина халқ ишончини оқлайди, обрў қозонади, барча томонидан қўллаб-қўлтикланади. Мен халқимиз номзодини кўрсатган ана шундай кишиларга ишонаман.

— Олий Мажлис ҳақидаги фикрингиз?

— Янги ташкил топадиган Олий Мажлис халққа таяниб иш қўради, деган ниятдаман. У барча фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини ифода этади. Халқимизнинг тинч-тотув ҳаёти, оёсайшталиги йилдан-йил мустақамланаверади. Миллий онги юксалади, фаровонлиги ошаверади. Халқ саодати ва давлат билан раванқи йўлида барча шарт-шароитлар таъминланаверади. Республикамиз шон-шухрати бутун жаҳонга намойиш қилинаверади. Шунинг учун ҳам бўлажак Олий Мажлиснинг афзал томонлари жуда кўпдир. Ҳар қалай мен шундай бўлишини истайман.

— Сайловолди тараддудиди касаба уюшмалари ходимлари иштироки қандай борапти?

— Касаба уюшмалари ходимлари жойларда сайловолди тараддудига фаол қатнашмоқдалар. Сайловолдининг уюшқоқлик ва пухта

ўтиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Кунги кеча шахсан ўзим Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида бўлиб, бу ишларни қандай бораётганлигига гувоҳ бўлдим. Энг муҳими, депутатликка номзодлари кўрсатилганлар ичида бизнинг соҳага тегишли кишилар ҳам талайгина эканлиги қувонарли ҳол. Чунки касаба уюшма қўмиталари вакилларидан сайланганлар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш билан ҳаракатдаги қонунчилик устиворлигини оширишда, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлашга Олий Мажлисга энг яқин таянч бўладилар, деган умиддаман.

Сўхбатдош: Жоғриқ АБДУЛЛАХОНОВ.

МЕН УЛАРГА ИШОНАМАН

Олий Мажлисга сайловлар бўлиб ўтишига санокли кунлар қолди. Ўзбекистон Конституциясидаги ҳуқуқларига мувофиқ ҳар бир фуқаро сайлов участкасига келиб, кўрсатган номзодига овоз бериш билан ўз бурчини адо этади. Ҳўш, бу муборак воқеага нисбатан қим қандай фикрда? Худди шунга ўхшаш саволлар билан муҳбиримиз Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Анвар Аҳмедович МУҲАММАДЖОНОВга мувожаат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика Олий Кенгаши XVI сессиясида сўзлаган нутқида бўлажак Олий Мажлисга сайловларда давлат аҳамиятига молик "...бугунги устивор ақидамизда собит бўлайлик, яъни жамиятимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликни янада мустаҳкамлайлик!" деган муштарак муддаомиз баралла янграмоғи даркорлигини ишонч билан баён қилиб берди.

Ҳар бир партия, жамоат ташкилоти, Олий Мажлисга сайловларда қатнашувчи халқ депутатлари номзодининг ўз сайловолди дастури бўлиши равшан. Лекин биз депутатликка номзодларнинг ана шу дастурлари ва учрашувлардаги нутқлари давлатимизда қабул қилинган Конституция қоидаларига, Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонунга, маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар тўғрисидаги қонунга, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни Конституциямиз томонидан қафолатланган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилишга асосланган бўлишлиги зарур деб ўйлаймиз.

МАСЪУЛИЯТЛИ ПАЛЛА

Сайловолди мавсумида республикамизда қарор топган миллатлараро иноқлик, тинчлик, барқарорликка ҳалал берувчи омилдан фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайди.

Таклиф этилган шиорлар сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари, Олий Мажлисга халқ депутатлари номзодининг сайловолди мавсумининг мазмунини ташкил этмоғи лозим. Бу эса жамиятимиздаги тинчликни, осойишталик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу маънавият ва маърифатни янада юксак даражага кўтарди. Халқимизни ўзлигини англаш ва демократик тафаккури руҳида тарбиялаш юзасидан ишни кучайтиришга хизмат қилади. Бу жамиятимизда бозор тартиби ва интизомини мустаҳкамлайди, қонун устиворлиги замида ирқи, миллати ва этниқодидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг конституцион ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайди.

Сиёсий партиялар, ташкилотларнинг сайловолди дастурларида Президентимиз томонидан таклиф қилинган бир қатор иқтисодий ва ижтимоий қоидалар муносиб ўрин эгаллаши зарур. Иқтисодиёт соҳасида мулк ўз эгасига топширилиши лозим. Тадбиркорлик ва ташаббускорлик кенг қулоч ёйдирилиши, халқимиз фаровон ҳаётини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши керак. Ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни такомиллаштириш асосида даромадлар ва ҳаёт даражасини кўтариш зарур.

Ҳар бир сиёсий партия ва ташкилот, Олий Мажлис депутатлигига кўрсатган номзоди ўзининг дастурида давлатчилик тизимини, унинг истиқлоли ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликни бош мезон этиб, дунё ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллашни биринчи даражали масала қилиб қўймоғи табиий. Бизнинг мустақил давлатимиз дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалласин.

Олий мажлисга халқ депутатлари сайлови ўтгандан кейин сиёсий партиялар белгиланган муддатларда сайловолди дастурларининг асосий қоидалари бажарилиши юзасидан уни сайлаган сайловчилар олдида ҳисобот беришни унутмасликлари лозим.

Президентимизнинг халқ номзодларига, мустақил Ўзбекистонимизда яшаётган ҳар бир кишига қаратилган "ке-лажамиз учун, фарзандларимизнинг бахту саодати учун яшайлик ва ҳалол меҳнат қилайлик! Авлодларга овоз ва обод Ватан қолдирайлик!" деган оташин шиорини халқимиз тўла қўллаб-қувватлайди.

Сиёсатшунос сифатида яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиманки, сайловолди мавсумини юксак сиёсий, маданий даражада ўтишини таъминлаш катта аҳамиятга молик.

Республиканин олий қонун чиқарувчи ташкилотига сайловлар ҳамisha халқ, давлат ва жамият учун катта аҳамиятга эга бўлган, лекин Олий Мажлисга бўладиган сайловлар, айниқса, алоҳида аҳамиятга эгаки, у олий қонун чиқарувчи парламент — Олий Мажлисга республикамиз истиқлолга ва давлат мустақиллигига эришгандан кейин биринчи бор ўтказилаётган масъулиятли палладир.

Элбек КАРИМОВ,
"Ишонч"нинг сиёсий шарҳловчиси.

Олий мажлисга кўрсатилган номзодлар учун овоз берайлик!



**Ислом ХУШИЕВ,
75-ФОРИШ
САЙЛОВ ОКРУГИ.**

Ислом Хушиев — халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгаши томонидан 75-Фориш сайлов округи бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган.

Ислом Хушиев касба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси лавозимидаги меҳнат фаолияти давомида тадбиркор ва ташаббускор раҳбар сифатида амалда ўзини кўрсатди. Вило-

ятдаги меҳнат жамоаларида юмуш билан банд бўлган ишчиларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилишига, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга эришиш билан боғлиқ бўлган масалаларга муҳим эътибор бериб келаётир.

И. Хушиев вилоят ҳокимлигига ва вилоят касба уюшмалари кенгаши ўртасида вилоят меҳнаткашларини иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий муофоза қилиш юзасидан тузилаётган битимларнинг бажарилишини ташкил этишда ташаббускор бўлмоқда. Кам таъминланган оилалар, меҳнатга яроқсиз қариялар, студент ва ўқувчиларни касба уюшмалари томонидан иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

Вилоятдаги касба уюшмалари тасарруфидаги маданий-оқартув муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларнинг фаолиятини кучайтириш борасида самарали ишлаяпти.

— Ноиб халқ хизматкори ҳисобланади, — дейди Ислом Хушиев. — Шунинг учун у халқ дарди, халқ манфаати билан яшаши лозим. Дастуримни сўрадингиз. Унда бозор иқтисодига ўтиш даврининг жуда кўп муаммолари борлигини айтишим мумкин. Айниқса, кўшимча иш жой-

ларини очиш, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчиликда ишлаётган кишиларнинг бир қисмини қайта ишлаш корхоналарига ўтказиш, Фориш, Арнасой туманларида кичик корхоналарни кўпайтириш, узоқ қишлоқларга тоза ичимлик суви ва табиий газ олиб бориш мени безовта қилмоқда.

Давлат корхоналарида, хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар хусусий кишилар қўлига ўтиб кетмоқда. Бу сунъий равишда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Бунга чек қўйиш, ночор яшаётган, кам даромадли, кўп болали оилаларга ижтимоий ҳимояни кучайтириш долзарб вазифам ҳисобланади.

Хуллас, иқтисодий ислохотни чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг иқтисодий кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, фуқаролар тотувлигини, осойишталигини таъминлашга кўмаклашиш билан касба уюшма ўртасида тузилган Битимнинг бажарилишини таъминлаш асосий дастуримдир.

Одамлар меҳрли бўлсин. Ҳалол ва баракали меҳнат қилишсин. Президентимиз айтганидек, ҳамма элим деб, юртим деб ёниб яшасин.

Баҳодир ИСМАТОВ, 65-САРМИЖОН САЙЛОВ ОКРУГИ

Замондошимиз Баҳодир Исмамов меҳнатсеварлиги ташкилотчилиги билан Ёнжувон туманида кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозongan. Ўзига топширилган ҳар бир ишга масъулият ва талабчанлик билан ёндашади. Эзгу ният, музайян интилишларни қалбига жо этиб, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда фаоллик кўрсатмоқда. Вақт тулпорни олдирибди. Бир-бирини қувиб ўтган йиллар Б. Исмамов тақдирда сезиларли из қолдирди. Кечагидек ёдида: Тошкент ҳуқуқшунослик техникумини тугатиб, туман ижтимоий таъминот бўлимида иш бошлаганида тажрибасиз гўр йигит эди. Кейин барча тенгдошлари қатори армия сафида хизмат қилди, уйланди, бола-чақали бўлди. Ҳаётда нимадир йўқотди, нимадир топди. Жўшқин меҳнат кучоғида кўзи пишди, маҳорати ошди.

Элни сийлагани эл сийлайди деганлари ҳақиқат. Вилоятдаги касба-

уюшма фаолларидан бири, 1991 йилдан ХДП аъзоси Баҳодир Исмамов 65-Сармижон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди. Бу, шубҳасиз унга билдирилган юксак ишонч. Ишончнинг эса тоғдек масъулияти бор.

— Қарийб ўн йилдан бери касба уюшма тармоғида хизмат қиламан. — дейди Баҳодиржон. — Одамларнинг дарди, ташвиши менга маълум. Халқ демократик партияси туман кенгаши билан ҳамкорликда турмуш муаммоларини ҳал этиш, аҳолига замонавий қулайликлар яратиш йўллариини излаяпти. Дарвоқе, менинг номзодим ҳам Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган. Бордию пири комиллар руҳи қўллаб, сайловда ютиб қиқсам, бир қатор режаларни кўнгилга туғиб қўйганман. Бу ҳозирги талаблардан келиб чиқади. Саноатни қишлоққа олиб кириш, Ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизларнинг саломатлиги, дам олиши ҳақида бугун жиддийроқ қайғуриш керак. Хуллас, орзу-ниятла-



рим кўп.

Туманда сайловолди тарғибот ишлари қизитиб юборилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 65-Сармижон сайлов округи бешта жамоа хўжалигини ўз ичига олади. Бу ҳудудда истиқомат қилувчи 47630 нафар сайловчилар уч номзоддан энг муносиби учун овоз берадилар. Зеро сайловчилар эътиборини қозониш курашда ютиб чиқиш осон эмас.



**Алижон МИРЗАКАРИМОВ,
192-ЕЗЕВОН
САЙЛОВ ОКРУГИ**

Фаргона вилоятининг Езевон тумани касба уюшмалари мувофиқлаштириш Кенгаши раиси Алижон Мирзакаримов Халқ Демократик партиясидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Ўтган йили туман касба уюшмаларининг мувофиқлаштириш Кенгаши тузилганда жуда кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқиб, Алижонни Кенгаш раисли-

гига муносиб кўришди. Чунки касба уюшмаси раҳбари меҳнаткашни ҳимоя қила олиши, аввало ўзи пок, ҳалол бўлиши, юрагида меҳр, қалбида ташаббус қайнаб-топиб туриши керак. Алижон туман касба уюшмалари кўмиталарида 18-20 йиллардан бери ишлаб келаётган Пўлат ака Тешабоев, Раҳматжон ака Раҳимов, Убайдулло ака Умрзақов ва бошқалардан кўмак олди. Улар Алижонни қўллаб-қувватлашди.

— Ҳали кўнглим тўлиб, маошимни оқлаётман, дея олмайман, — дейди Алижон, — Кенгашимиз Республика миқёсида тасдиқланиб, ўзининг маблагига, чинакам тизимга эга бўлса, ана ўшанда халққа яхшироқ нафимиз тегади.

Алижон бу гапларни астойдил, камтарлик билан айтди. Аслида эса туман ҳокими Ҳусанбой Аҳмадалиев билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, 131 та бошланғич касба уюшма ташкилотларини мустаҳкамлашга уларнинг мавқеини оширишга эришди. Саккизта қўмитанин бошини бир жойга қовуштириб қийин шароитларда ҳам ҳокимлик ердами билан 440

нафар боланиннг езги оромгоҳларда бепул дам олдиришга муваффақ бўлди. Хўжалик раҳбарлари билан келишиб, бугдой пишигида ҳар бир колхозчининг 10 сотихдан ерда етиштирган ҳосилини ўзига ўриб-йигиб олишига эришди. Пахта йигим-терим даврида бепул иссиқ-овқат ташкил қилинишига бош қўшди.

Алижон Мирзакаримовнинг шу қисқа вақт ичида топган обрў-эътиборини Олий Мажлис депутатлигига номзоди кўрсатилганидан ҳам билиш мумкин.

— Ҳокимимиз Ҳусанбой ака жуда меҳнаткаш, оғир, босиқ, кўпни кўрган, — дейди Алижон — у киши сайланиши керак. Мен эса аввалгидай, балки ундан ҳам яхшироқ ғайрат билан ишлашда давом этавераман. Бордию мен сайланиб қолсам, туманимизда саноатни ривожлантириш, аҳолини кенг миқёсида иш билан таъминлаш, халқни ҳар томонлама муҳофаза қилишга ҳисса қўшиш ҳаракатини янада кучайтираман. Хуллас, қиладиган ишларимиз кўп. Касба уюшмамизнинг обрўсини ошириш учун куч-қудратимни аямайман.

ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

"Ишонч" мухбирлари хабар қиладилар

ФАРҒОНА вилоятининг кимё саноати корхоналарида меҳнат қилаётган 20 минг 230 нафар касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган вилоят касаба уюшмасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлди. Қўмита раиси Сафурхон Мўминова ҳисоб бераркан, бошланғич ташкилотлар корхоналар маъмуриятлари билан ҳамкорликда кимёгарлар манфаатини кўзловчи қатор тadbирларни амалга ошираётганини айтиб ўтди.

Ҳисобот маърузасида ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчилик ҳам кўрсатиб ўтилди. Маърузачи ва музокарада қатнашганлар Ўзбекистон касаба уюшмаларининг янги Низоми ва Дастури лойиҳаларини асосан маъқулладилар.

Кўп йиллардан бери кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти қўмитаси раиси бўлиб самарали ишлаб келаётган Сафурхон Мўминова яна бир овоздан раисликка сайланди.

Йиғилишда республика кимё соҳалари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Н. Қосимов, касаба уюшмалари Фарғона вилояти кенгаши раиси А. Мансуров нутқ сўзлашди.

МАҲАЛЛИЙ саноат, маиший-хизмат ва коммунал корхоналари ходимлари Жиззах вилоят касаба уюшмасининг конференцияси бўлди. Унда вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Уктам Маматқулов "Жиззах вилоят маҳаллий саноат, маиший-хизмат ва коммунал корхоналари ходимлари касаба уюшмасининг фаолияти тўғрисида маъруза қилди. Шунингдек, вилоят тармоқ тафтиш комиссиясининг фаолияти ҳақида комиссия раиси Ж. Эркабоев маърузаси тингланди.

Конференцияда маҳаллий саноат, маиший-хизмат ва коммунал корхоналари Жиззах вилоят касаба уюшмаси ва тафтиш гуруҳининг янги таркиби сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон тармоқ касаба уюшмалари II съездида, Жиззах вилоят касаба уюшмалари VIII уюшмаларо конференциясига вакиллар сайланди. Вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси этиб У. Маматқулов сайланди.

Конференцияда Жиззах вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси И. Хушиев сўзга чиқди.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Қўмита раиси М. Абдурахмоновнинг ҳисобот маърузаси ва музокарада сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида ўтган беш йил жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўзгаришига монанд ечимлар топиш даври бўлганлиги таъкидланди. Бу йилда тинмай изланган Хонқа, Янгиариқ, Шовот туманлари ва Урганч шаҳар касаба ташкилотлари таълим-тарбия савиясини кўтариш, меҳнат жамоаларида муносиб иш шaroитларини яратишга эришмоқдалар.

Касаба қўмиталари бугунги мурракаб шароитда ўз аъзоларини ижтимоий-иқтисодий муҳофазалаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонун асосида ҳимоя қилишга эътиборни кучайтирмоқдалар. Конференцияда бу борадаги ибратли ишлар мамнуният билан тилга олинди.

Лекин конференцияда фойдаланилмаётган имкониятлар, ечимини кутиб турган муаммолар ҳам тилга олинди. Бир қатор туман касаба қўмиталари ходимларини соғломлаштириш, дам олдириш, ўқувчиларнинг ёзги дам олишини ташкил этишга етарли эътибор бермаганликлари кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Е. Файзуллаев ва Хоразм вилоят ҳокимининг ўринбосари Я. Жуманиёзов конференцияда нутқ сўзлашди. О. Абдурахмонова халқ таълими ва фан ходимлари Хоразм вилоят касаба уюшмаси қўмитаси раислигига сайланди.

ДЕҲҚОНЧИЛИК саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоятидаги энг катта тармоқ ҳисобланади. Табиийки,

катта тармоқнинг бажарадиган иши ҳам, муаммолари ҳам катта. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференцияси 5 йиллик ишларни сарҳисоблаб, янги режаларни белгилаб берди. Деҳқон халқининг меҳнатқашлиги ҳаммага маълум. Вилоят касаба уюшмаси қўмитаси энг ночор оилаларга 1994 йилнинг ўзида 45 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Вилоятдаги 12 та болалар спорт мактабини талаб даражасига етказиш учун 70 минг сўм маблағ сарфланди. Уқув спорт ишларига эса 45 миллион сўм пул сарфланди. Маърузачи — тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси К. Абдувоитовнинг кенг таҳлил қилинган ҳисобот маърузаси музокарага чиққанлар томонидан тўлдирилди.

Юртни боқаётган деҳқоннинг ўзига ҳам, фарзандига ҳам ғамхўрликни энг юқори даражага кўтариш асосий вазифа экани таъкидланди. Тармоқ қўмитаси олиб борган бу борадаги ишлари анча яхши бўлгани эътироф этилиб, қўмита раиси Комилжон Абдувоитов, раис муовини Тоҳиржон Бегаевлар қайта сайландилар. Анжуман ишида республика тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси муовини В. Қўчқоров, Андижон вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши раиси У. Охуновлар иштирок этишди.

ҲАЁТИМИЗДА чуқур илдиз отаётган бозор иқтисодиёти барча соҳа ходимларидан катта куч ва мессулият талаб этмоқда. Бугунги мавжуд қийинчиликларни ҳалол, фидокорона меҳнат орқалигина бартараф этиш мумкин. Маҳаллий саноат, коммунал хўжалиги ва маиший хизмат тармоғи касаба уюшмалари Бухоро вилоят қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шу фикр қайта-қайта таъкидланди.

Қўмита раиси М. Раҳматов маърузасида 1989-1994 йиллар давомида амалга оширилган ишлар кенг, атрофли таҳлил қилинди. Айтиш жоизки, тармоқ бошланғич ташкилотлари ва унинг таркибига кирувчи корхоналар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда мамлакатимиз тарихида биринчи марта қабул қилинган "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун асосида ташкил этиб, яхши натижаларга эришмаяптилар. Ишчи-хизматчиларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш, сиҳат-саломатликлари ҳақида ғамхўрлик қилиш диққат марказида. Тармоқдаги асосий корхона ва ташкилотлар хусусийлаштирилди ёки очиқ шаклдаги хиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

Ҳисобот даврида касаба уюшма қўмитасига 6258 нафар ишчи-хизматчи турли масалаларда ёрдам сўраб, мурожаат этган. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинди. Жойларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, жамоат шартномаларининг ижросини таъминлаш, хизмат маданиятини ошириш юзасидан муайян тadbирлар белгиланаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Йиғилишда тафтиш комиссияси раиси Т. Шилованнинг ҳам маърузаси тингланди. Ҳар иккала маъруза юзасидан музокарада сўзга чиққанлар қўмитанинг ҳисобот давридаги фаолиятига тўхталдилар.

Касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси Ш. Хайруллаев йиғилишда сўзга чиқди.

ТОШКЕНТ вилояти Ангрэн шаҳар "Ўзбекрезинатехника" ишлаб-чиқариш бирлашмаси касаба уюшмасининг ҳисобот-сайлов конференциясида ўтган 5 йил даври ичидаги фаолиятлар тўғрисида маълумот берилди. Ишчилардан 420 киши уй шароити яхшиланди, 171 ишчи янги уй билан таъминланди. 300 ишчи уй қуриш учун ер ажратиб берилди. 902 ишчи санаторий ва даволаниш масканларида соғлиқларини тикладилар. Корхона санаторийсида 6544 ишчи соғлигини яхшилаш имкониятига эга бўлдилар. Болаларни соғломлаштириш оромгоҳида 4070 ўғил ва қизлар дам олишди. Утган давр ичида республикамиздаги кўп корхоналар хомаше етишмаслиги сабабли йиллик

ўсишни таъминлай олмаган бўлсалар, бу корхонада шу йилнинг октябрь ойидан бошлаб ишчиларнинг ойлик иш ҳақи 30 фоизга оширилди. Корхонада нафақага чиқаётган ишчиларга қўшимча пул ёрдами, меҳнат таътилига кетаётган ишчиларга қўшимча ҳақ тўланадиган таътил берилди. 50 ва 60 ёшга тўлган ишчиларга 50 фоиз ойлик маош миқдорига мукофотлар бериш тadbир қилинди.

Музокарада қатнашганлар қўмитанинг яхши ишлари билан бирга камчиликларни тўғрисида ҳам тўхталиб ўтдилар.

Касаба уюшмасининг бозор иқтисоди шароитида меҳнатни муҳофаза қилиш борасида олиб бораётган ишлари давр талабига тўла жавоб бермаслиги ҳам таъкидланди. Конференцияда республика касаба уюшмалари Низоми ва Дастури лойиҳалари тўла маъқулланди. Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси курултойига вакиллар, бирлашма касаба қўмитаси раислигига В. Водопьянов сайланди. Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бўлим мудири В. Нечкасов ва тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси ўринбосари О. Исҳоқов нутқ сўзладилар.

ТОШКЕНТ вилояти халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмасининг XV конференцияси бўлиб, қўмита раиси В. А. Урмонов ҳисобот маърузасини қилди. Маърузачи ва маъруза юзасидан музокарага чиққанлар касаба уюшма ташкилотларида ташкилий ишларни такомиллаштириш, халқ таълими ва ўқув юртиларида ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, ҳамма жойда жамоат шартномалари, битимлари тузиш, болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми ишларига алоҳида эътибор бериш масалаларига диққатни тортмоқда.

Шунингдек, қатор танқидий фикр ва мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Маърузачи ва бошқа нотиқлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Низоми ва Дастури лойиҳаларига муносабат билдиришди.

Конференцияда кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди. Вакиллар халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитасига В. Урмоновни қайта раисликка сайладилар.

Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ўзбекистон Республикаси II курултойига ва вилоят касаба уюшмалари уюшмаларо конференцияга вакиллар сайланди.

Конференция ишида вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси Д. Жаҳонгирова, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Е. Файзуллаев қатнашдилар.

ТОШКЕНТ вилояти савдо, умумий овқатланиш ва матлубот жамияти ҳодимлари касаба уюшмаси тармоқ ҳисобот-сайлов конференцияси ишчанлик руҳида ўтди.

Савдо, умумий овқатланиш ва матлубот жамияти ҳодимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Б. Расуловнинг ҳисобот-маърузасида ҳисобот даврида жамоат шартномаларининг амалийлигига алоҳида эътибор берилган.

Конференцияда вилоят касаба уюшмаси олиб бораётган ишлар бозор иқтисодиёти шароити талабларига тўла жавоб бермаслиги таъкидланди.

Сўзга чиққан нотиқлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшма Низоми ва ҳаракат Дастури лойиҳалари ҳақида фикр билдирдилар.

Б. Расулов савдо, умумий овқатланиш ва матлубот жамияти ҳодимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасига қайта раис қилиб сайланди.

Конференцияда Республика марказий Қўмитаси раиси ўринбосари М. Тўраев, Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари Т. Ортиқов иштирок этишди.

ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Ўз сафига 378,3 минг касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ҳодимлари ва турли тоифадаги тadbиркорлар касаба уюшмасининг II курултойида Марказий қўмита раиси Клара Насриддинова Комилова ҳисобот маърузаси қилди. У маърузасини курултойнинг Ўзбекистонда мутлақо янги давлат бошқаруви шаклланаётган, хусусий мулкчиликка асосланган турли тарздаги иқтисодиёт ривожланаётган, жаҳондаги энг илгор тadbирларга таянган ҳолда молия, банк-кредит, савдо-тижорат тизимлари қарор топаётган бир даврда ўтаётганлигини таъкидлаш билан бошлади.

Ҳисобот даврида республикамиз ҳаётида, ушбу касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятида улкан сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга молик ўзгаришлар юз берди. Касаба уюшмасининг ҳуқуқий мақоми ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинганлиги айни даврда янгича иш юритишимизни таъкидлашга эътибор берди.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада тамомил янги ҳаёт юзага келмоқда. Мулкнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Қонунга биноан 1992 йилдан бошлаб тармоқни хусусийлаштириш йўлига қўйилди. Ҳозирги вақтда ёпиқ турдаги хиссадорлик жамиятлари очик турдагисига айлантирилмоқда. Айрим корхоналар хиссадорлик жамиятлари иштиридан жамоат корхоналарига ажралмоқда, савдо хизмати кўрсатишда янги мулк эгалари пайдо бўлмоқда. Ҳозирги кунда республикамизда 12 мингта хиссадорлик жамияти, ижара, кичик ва қўшма корхоналар ишламоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касаба уюшма ташкилотларининг биринчи галдаги вазифаси тармоқ ҳодимлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашдан иборатдир. Марказий Қўмита бу борада жамоат шартномасининг ҳамма имкониятларидан самарали фойдаланишни зарур деб билди. Уларнинг ёрдамида меҳнатқашларнинг манфаатдорлигини ошириш, қўшимча ижтимоий имтиёзлар белгилаш имкониятларини очилапти. Жумладан ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллаб бериш, овқат пули ажратиш, уй-жой қуришга, нафақага чиқувчи моддий ёрдам пули бериш, ёш оилаларга фойзсиз қарз бериш, шифо масканларига йўлланмалар билан таъминлаш каби имтиёзлар шулар жумласидандир.

Нотиқ тармоқда зарур иш шaroитлари яратиш, меҳнатни муҳофаза қилишни йўлга қўйиш соҳасида амалга оширилган тadbирларга кенг тўхталди.

1990 йилдан буён ёзги таътил даврида 50100 бола оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Тармоқда ижтимоий муаммолар босқичма босқич ҳал этиб борилади. "Ўзбексавдо" давлат акциядорлик уюшмаси ҳамда "Ўзбекбирлашув" билан ҳамкорликда уй-жой қуриш дастури ишлаб чиқилган эди. Уни амалга ошириш бўйича бир қатор ишлар қилинди.

Пировардида маърузачи савдо ҳодимлари касаба уюшмалари ташкил топганининг 60 йиллиги билан курултой қатнашчиларини қутлади. Тармоқ касаба уюшмалари ўзининг шонли тарихига эга. У ташкил топган кундан то ҳозирга қадар соҳа ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда.

Курултойда тармоқ касаба уюшмалари ташкилоти Марказий тафтиш комиссиясининг раиси Жўрақул Исоқовнинг ҳисоботи ҳам тингланди.

Музокарада Тошкент шаҳар "Юнусободсавдо" акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси Дилбар Зайнутдинова, Сурхондарё вилояти Узун тумани "Мукаррам" шахсий фирмасининг раиси Мукаррам Иманалиева, "Ўзбексавдо" давлат акциядорлик уюшмаси бошқаруви раисининг муовини Борис Пенцов, Қорақалпоғистон Республикаси Хужайли тумани матлубот хиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Арслонбек Салимов, Самарқанд кооператив институти доценти Нурилла Хусанов, Андижондаги "Ешлик" ишлаб чиқариш савдо хиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Алижон Сиддиков, тармоқ касаба уюшмаси Хоразм вилояти Косоний тумани матлубот хиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Йўлдошхон Мамадалиев, тармоқ касаба уюшмаси Наманган вилояти қўмитаси раиси Шайхат Зокирова сўзга чиқдилар. Улар ўз сўзларида ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар қўлима таҳлиliga қўшимча қилиш билан бирга тармоқ меҳнатчиларини иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш бобида хал эълмаётган айрим муаммоларни ўртага ташладилар, уларни ечиш йўллари бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Курултойда тармоқ касаба уюшмаларининг Низоми ва ҳаракат Дастури лойиҳаларига ишчи гуруҳи томонидан киритилган айрим ўзгариш ва қўшимчалар тасдиқланди.

Курултой қабул қилган қарорда Марказий Қўмитанинг Ҳисобот давридаги иш фаолияти қоникарли деб топилиб, унинг келажақдаги иш режалари белгилаб олинди.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг янги матндаги Низоми ва ҳаракат Дастури лойиҳалари ҳам асосан маъқулланди.

Курултойда Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тadbиркорликнинг турли шакллари ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркиби, Ўзбекистон касаба уюшмалари XV курултойига вакиллар сайланди.

К. Н. Комилова бир овоздан тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси этиб сайланди.

Курултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раиси Хулал Баходирович Жамолов нутқ сўзлади. У тармоқ касаба уюшмасининг 60 йиллиги муносабати билан мукофотланган бир гуруҳ касаба уюшма фаоллари ва фахрийларига кенгашнинг фахрий ёрликларини топширди. Ўз навбатида тармоқ Марказий Қўмитасининг фахрий ёрликлари ҳамда байрам совға-саломлари ҳам ўз эгаларига топширилди.

Андижон шаҳар "Бобур Мирзо" номли 2-озик-овқат хиссадорлик жамияти қошидаги бадий хаваскорлик дастаси санъаткорлари Курултой қатнашчиларига маданий хизмат кўрсатдилар.

Тожибой АЛИМОВ,

"Ишонч"нинг махсус мухбири.

ВАТАН ПОСБОНЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ

Ўзбекистон Куруллой Кучлари Республика касаба уюшмалари қўмитасининг ҳозирги айни ислоҳот ўтказиш қизган даврдаги ишлари тўғрисида жуда кўп ижобий гаплар айтиш мумкин. Худди ана шу масалалар кунга кеча бўлиб ўтган Куруллой Кучлар касаба уюшмалари қўмитаси конференциясида кўтарилди. Конференцияда касаба уюшмалари қўмитаси раиси А. Г. Штеркель маъруза қилиб, касаба уюшмаларининг шу кеча кундуздаги шаклланиши ва фаолиятлари ривож топиши айнан Ўзбекистон Республикаси ҳаётида сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий ўзгаришлар содир бўлаётган даврда тўғри келганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу тарихий даврда республикамиз истиқлолга эришди ва Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳодимлари мустақил фаолият юргизишни қизитиб юборишди.

Куруллой Кучлар касаба уюшмалари Президентимиз Ислам Каримов белгилаб берган Ўзбекистонни иқтисодий ривож топдириш тамойилларини қўллаб-қувватлаш, мулкларни хусусийлаштириш, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ муқаддас бурчларини сидқидил адо этаётирлар, — деди маърузачи ўз сўзи давомида, — меҳнат жамоалари, қисмлар, корхона ва ташкилотларнинг аксарияти бу борадаги масалалар жиддий ва ишчанлик, аъло даражадаги жанговар тadbирлар билан киришиб, ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари бўйича топшириқларини, меҳнат интизомига қатъий риоя қилган ҳолда бажариб келмоқдалар, ҳамда юксак натижаларни қўлга киритиш билан муваффақиятларга эришмоқдалар.

Маъруза сўнгида у Мудофаа вазирлиги билан Куруллой кучлар Касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси ўртасида 1993-1994 йиллар учун тузилган Битимлар ҳар жиҳатдан яхши натижалар берганлигини ҳам эслатди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар амалга оширилган ишларни ижобий баҳолаш билан бирга, ҳозирги даврда касаба уюшмаларини молиявий сиёсатни юксалтириш бўйича, шунингдек, касаба уюшмалари аъзолари ва меҳнатқашларини бевосита ўз бурчларини бажаришга янада ҳалол ва фаолроқ ёндошишлари бўйича фаолият юргизишга қизитириш бўйича ҳам ғамхўрликни ошириш ҳақида ўнлашга чақирдилар.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон касаба уюшмаларининг Низоми ва ҳаракат Дастури лойиҳасини маъқулладилар. Тармоқ касаба уюшмалари Низоми эса айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритиш билан тасдиқландилар. Шунингдек, республика касаба уюшмаларининг XV курултойига вакиллар сайландилар.

Конференция ишида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари М. М. Тўлағанова иштирок этди ва нутқ сўзлади.

"Ишонч" мухбири.

Саволларга Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазирлигининг етакчи мутахассислари Мастура ХОЖИМАТОВА ва Муқаддам ҲАСАНБОЕВАлар жавоб берадилар.

Илгариги вақтда Узоқ Шимолда ишлаганларга имтиёзлар бўлганди. Бу имтиёз сақланиб қолганми?

К. НУРИДДИНОВ,
Бухоро.

Собиқ СССРнинг 1990 йил 15 майдаги ва Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги пенсия қонунларида Узоқ Шимол ва Узоқ Шимол туманларига тенглаштирилган жойларда ишлагани учун имтиёзли равишда пенсия тайинлаш ва иш даврини имтиёзли равишда ҳисоблаш кўзда тутилмаган.

Агар пенсия 1990 йил 15 майдаги Қонун кучга киргунга қадар тайинланган бўлса ва мазкур стаж имтиёзли равишда ҳисобланган бўлса, пенсионерлик иш стажига қайта ҳисобланиб, камайтирилмайди.

Пенсияга мурожаати юқоридаги Қонун кучга киргандан кейин бўлса, иш даври умумий тарзда ҳисобланади.

Аммо, пенсияга чиқувчининг умумий меҳнат стажига тўлиқ пенсия тайинлашга етарли бўлмаса, унда Узоқ Шимол ва Узоқ Шимолга тенглаштирилган жойлардаги 1990 йил 15 майдаги Қонун кучга киргунга қадар бўлган иш стажига тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган стаж доирасида имтиёзли равишда (яъни 1960 йил 1 мартгача бир йил 2 йил, баробарида, 1960 йил 1 мартдан бошлаб бир йил, 1,5 ҳисса баробарида) ҳисобланиши мумкин.

Мен фахрий унвон эгасиман, ҳозир ишляпман. Пенсияга чиқсам нафақамга қўшимча қўшиб бериладими?

К. ШАРИПОВ,
Андижон шаҳри.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июндаги 274-сонли қарори билан фахрий унвонларга эга бўлганларнинг пенсияларига устама ҳақ қўшиб бериш кўзда тутилган. 1993 йил 1 июлидан бошлаб қўшиб бериладиган устама ҳақ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат пенсия таъминоти ҳақидаги Қонуни 1994 йил 1 июлидан (қайта ҳисоблангандан) кейин ҳам сақланиб қолинди.

Мактаблардаги юқори синф ўқувчилари хўжаликда аъзо бўлиб ишлайдилар, уларга ҳам компенсация пули тўланадими?

Ш. ДЎСТОВ,
Касби тумани.

Хўжалик аъзоси сифатида ойлик тўланса, компенсация пули ҳам қўшиб берилади.

Янги Қонунга асосан қишлоқ хўжалигида агроном бўлиб ишлаганларга ҳам имтиёзли пенсия тайинланадими?

А. ШЕРАЛИЕВ,
Андижон вилояти,
Комсомолобод тумани.

1994 йил 1 июлдан кучга кирган янги пенсия Қонунига қишлоқ хўжалигидаги агрономларга имтиёзли пенсия тайинлаш кўзда тутилмаган.

Илгари жамоа хўжалигида ишлаганман. Болаларимни тарбияси билан банд бўлиб ишляёлмай қолдим. Бу борада ҳужжатларим ҳам йўқолиб кетди. Фуқароларнинг жамоа хўжалигида ишлаган даврини гувоҳлар тасдиқласа бўлади деб эшитдим. Шу саволимга аниқлик берсангиз.

Ш. НИЗОМИДИНОВА,
Наманган вилояти.

Жамоа хўжалигида ишлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар сақланмаган ҳолларда (бу ҳақда тасдиқловчи ҳужжат, яъни маълумотнома бўлиши шарт) меҳнат стажини гувоҳларнинг кўрсатмасига асосан жамоа хўжалиги ўзи тиклаши мумкин эмас.

Барча ҳолларда (ҳужжатлар табиий офат, фалокат ва бошқа фавқулодда ҳолатлар натижасида йўқолган ҳоллардан ташқари) меҳнат стажини гувоҳлар (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари тиклаш ҳуқуқига эга.

Мен кўп йил аккумуляторчи бўлиб ишладим. Имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқим борми?

И. НАЗАРОВ,
Сурхондаре вилояти.

Аккумуляторчилар 3-Рўйхатнинг 1 қисми, XXXIV бўлимидаги "Умумий касблар" да кўрсатилган.

Бу бўлимда кўзда тутилган касб эгалари қайси корхона ва ташкилотларда ишлашдан қатъий назар имтиёз берилади.

Шунинг учун аккумуляторчилар, уларнинг қаерда ишлашларидан қатъий назар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Шарти шуки, ходим аккумуляторчи сифатида тўлиқ иш кунини банд бўлиши керак.

1993 йил май ойида туғилган 1 та фарзандим бор. Ҳозирги пайтда декрет таътилидаман. Менга 1994 йил 1 сентябрдан фарзандим учун неча сўм нафақа тўланади?

М. ЖЎРАЕВА,
Асака шаҳри.

1994 йил 1 сентябрдан болаларга тўланадиган нафақа миқдори оширилди. 16 ёшгача тўлмаган болаларга бериладиган нафақа барча фарзандли оилаларга тўланади. Оилага тўланадиган нафақа миқдори болалар сонига қараб белгиланади.

Битта болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 10 фоизи, 2 та болали оилага 20 фоизи, 3 ва 4 болали оилага 40 фоизи, 5 ва ундан ортиқ болали оилага энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўланади.

Илгари чақалоқ парвариши билан банд бўлган оилаларга нафақа 1,5 ёшга тўлгунча тўланган бўлса, эндиликда бу муддат 2 йилга узайтирилди. Демак, Сизга фарзандингиз 2 ёшга тўлгунга

қадар 20 сўм миқдорида қараб туришлик нафақаси, 1 та фарзандингиз бўлгани учун 10 сўмдан ҳар ойлик нафақа ва бундан ташқари фарзандингиз 2 ёшга тўлгунга қадар иш жойингиздан 150 сўм миқдорида компенсация, жамми бўлиб 180 сўм тўланиши керак.

Менинг стажим кам. Тикув-бичув тўғарагида икки йил ўқидим, шунини иш стажимга қўйса бўладими?

О. МИНУРОВА,
Тошкент вилояти.

Йўқ, тўғарақларга қатнашган давр иш стажига қўшилмайди.

Иш стажим атиги 3 йил эди, шунинг учун мен тўлиқсиз кексалик пенсияси олиб келаяпман. Бу иш стажим уруш йилларида эди. Янги қонун бўйича менга қўшимча пенсия бериладими?

И. СУЛТОНОВА,
Чинноз тумани.

Тўлиқсиз стаж билан тайинланган миқдорингизга ҳам уруш даврида ишлаганлар сингари энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида қўшимча тайинланади.

2 нафар болани фарзандликка олганман. 50 ёшга тўлдим. Пенсияга кўп болалик аёллардек чиқсам бўладими?

М. УМАРОВА, Тошкент шаҳри.

Ҳа, Янги Қонун 12-моддасининг "3" бандига асосан кўп болали оналарга ёшига қараб имтиёзли пенсия тайинлашда фарзандликка олинган болалар ҳам ўз болалари сингари маълум тартибга кўра ҳисобга олинади.

Янги Қонун бўйича ўқитувчиларга тўлиқ иш кунини, яъни 1 ставкада ишласа имтиёзли пенсия, яъни беш йил олдинроқ пенсия тайинланади. Мен эса икки мактабда ишлаганман, менга имтиёзли пенсия тайинланадими?

Х. АББОСОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси.

Мактабда 25 йил 1 ставкада ишлаган барча ўқитувчилар (масалан: жисмоний тарбия, меҳнат, ҳарбий иш ва бошқа дарс ўқитувчилари) имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгалар.

Ўриндошлик сифатида 2 жойда ярим (0,5) ставкадан ишлаган ўқитувчилар ҳам имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар, чунки бундай ҳолларда барча жойларда тўлиқсиз ишланган иш кунини давомийлиги ўзаро қўшилганда тўлиқ иш кунини (яъни 1,0 ставкани) ташкил қилса, имтиёзли пенсия тайинлаш мумкин.

Мен икки олий ўқув юртини битирганман, ўқиган даври иш стажимга қўшиладими?

Н. ТОШМАТОВ,
Бухоро вилояти.

Ўқиган даврингиз кундузги ўқиш бўлса, меҳнат стажингиз 5 йилдан кам бўлмаса, нечта билим юртини битирган бўлсангиз, шунчаси инobatга олинади.

Мабодо, фуқаро билим юртини битирмаган ҳолларда ўқиш даври ўқув юртини томонидан берилган маълумотномалар асосида аниқланади.

Ишсиз мақомига эга бўлиб, менга муддатдан илгари, яъни 58 ёшимда пенсия тайинланди. Кейинчалик ишга кирсам менга пенсия тўланадими?

П. ҚУДРАТОВ,
Фарғона шаҳри.

Йўқ, агар фуқарога Янги Қонуннинг 14-моддаси асосида пенсия тайинланган бўлса ва умумий асосларда пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган ёш (эркаklar 60, аёллар 55 ёш)га тўлгунга қадар ишга кирса, пенсия тўлаш тўхтатилади.

1916 йилда туғилганман. Уруш йилларида Фарҳод канали қурилишида ишладим. Иш стажим 45 йил. 1985 йилда 60 сўмлик маошда қоровулликдан пенсияга чиққанман. Ҳозирги пайтда 150 сўм миқдорида пенсия олмоқдаман. Менга пенсия тўғри тўланадими?

О. ҚУРБОНОВ,
Сирдаре вилояти, Гулистон тумани.

Амалдаги Қонунга асосан пенсиянинг миқдори пенсионернинг ўртача ойлик иш ҳақи ва иш стажига боғлиқ. Кимнинг иш ҳақи юқори ва иш стажига кўп бўлса пенсияси ҳам шунча кўп бўлади. 1994 йил 1 июлдан барча пенсионерларнинг пенсияси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Янги Қонунга асосан қайта ҳисобланади. Бунда уруш даврида меҳнат қилган шахсларнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида қўшимча қўшиб берилади. Сизга тўланаётган пенсия миқдори тўғри-нотўғрилиги масаласида яшаб турган жойингиздаги ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз.

Мен уруш даврида меҳнат қилганим учун медаль билан тақдирланганман. Бунинг учун пенсиям ошириладими? Қандай имтиёзлардан фойдаланишим мумкин?

А. ХОШИМОВ,
Фарғона вилояти, Маргилон шаҳри.

1994 йил 1 июлдан кучга кирган пенсия Қонунига асосан уруш даврида меҳнат қилган пенсионерларнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида қўшимча қўшиб берилади. Уруш давридаги меҳнати учун медаль билан мукофотланганлар қуйидаги имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгалар:

1. Маиший хизматлардан (электрик энергия, газ, сув) фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақнинг 30 фоизини чегириб тўлайдилар.
2. Шаҳар транспортларида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эгалар.
3. Шифокорнинг рецептига асосан дори-дармонларни 50 фоиз арзон нархда сотиб оладилар.

Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги

АТОҚЛИ ўзбек адиби Абдулла Қодирий ҳажвчи, фелъетончи сифатида танилган, ҳажвий публицистиканинг моҳир санъаткори ҳам эди. Унга биринчи ўзбек ҳажвий журнали — “Муштум”ни ташкил этишда масъулиятли иш топширилганлиги бежиз эмас эди, албатта. Адиб журналининг биринчи сониди “Муштум” таърифида деб номланган мақоласини “Бу муштум зўрлар муштуми эмас, ҳақлик муштумидир, бу муштум золимлар муштуми эмас, мазлумлар муштумидир”, деб таъкидлаб, биринчи ўзбек ҳажвий ойномаси ҳақиқат учун, эзгулик учун хизмат қилишини таъкидлаган эди. У айримларнинг “ҳажвий журнал қуруқ кулгидан кўра натижали прокурордир”, деган фикрларига кескин қарши чиқиб, ҳажвий журнал ҳаётини ижтимоий кулги воқисаси билан ёритиши шартлигини қатъий кўяди ҳамда ўз ижодида ана шу бадиий қонуниятга доимий амал қилади.

Абдулла Қодирий фелъетонларида кулгининг жуда кўп турлари — энгил ҳазилдан тортиб, то захархандали кулгигача намоян бўлган эди. Масалан, ёзувчининг “Ит уруштириш ишлари”, “Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ — кесак” деб номланган кичик фелъетонларида ҳаётда учрайдиган айрим номуносиб ишлар — кап-катта одамларнинг ит уруштириб юришлари ёки айиқ, маймун ўйнатилаётган гузарга гур-гур югуриб боришга суяги йўқ, аммо театру томошага қадам босмайдиган лоқайдлардан кулар эди. Адибнинг “Маслагу мақсадимиздан шаъмаи изхор”, “Москвадан хатлар” каби фелъетонларида киновий кулги устун туради. У ҳаётда учрайдиган молпарастлик, жоҳиллик кўринишларини масхара-лайди.

Адибнинг фелъетонларида яна бошқа хил кулгиларни ҳам кўрамиз. Чунончи, “Тошкент бойлари”, “Эшонларимиз”, деб аталувчи ва фелъетон-хроника жанрига оид бўлган асарларида эса ўша давр замонаси зўрларининг қилмишларини бирма-бир фош қилар экан, жиддий, захархандали кулгидан фойдаланарди. Масалан, у Абулқосимхон эшон деган зотнинг пул-мол тўплаш йўлида рус подшоси Николай билан ҳам махфий алоқа ўрнатганини далиллар воқисаси билан захархандали шарҳлайди.

Абдулла Қодирий кулгуси, айниқса, унинг “Калвак маҳзумнинг хотира дафтарида”, “Тошпўлат тажанг нима дейди?” деган туркумнинг бош қахра-

мони Калвак маҳзум аслида жисмонан ва маънан майиб, калласи минг йиллик қоқоқ тушунчалар билан тўла, ҳаёт янгиликларини тушунмайдиган бир калтафаҳм шахс. Аммо у ўзини ниҳоятда ақли, доно санайди, ҳар бир учраган воқеага аралашади, ўзича шарҳламоқчи бўлади. “Эй, боши бўш донолар, эй қовоқ кийган диндошлар, вой мусулмон комиллар! — деб айюҳаннос солади, — Замона охир бўлди, кўп беҳуда ишлар чикди. Шарият пешаларининг ишлари авж олиб, бизнингдек фақирлар хор бўлди. Барчадан ақл кетди, ҳамма гумроҳ, борар йўлидан адашди...” деяверади. Аммо ўзи ҳар қадамда мот, масхара бўлаверади.

Адиб яратган иккинчи ҳажвий тип — Тошпўлат тажанг эса чапанлар тоифасидан. У ҳам онгсизлиги, текин яшашига мойиллиги билан ҳаётдан ўз ўрнини топа олмайди. У янги очилган мактаблар ҳақида куйидагича дейди:

“Шул замоннинг ишларига тушунсам худоёга сол! Бу нима ўзи-а? Афанди мактабими? Буни ким чиқарди, а? Анов кун хўрозимни қувлаб кириб қолибман: бир уй

жужук, салом йўқ, алик йўқ. Ҳаммаси ҳам кўрқок. Бобогим нима деган гап, ахир? Кут-кут-кут, деб болаларнинг олдидан ўтса, ҳаммаси ҳам қочиб, бир бурчакка тикилишибдир. Вой, дедим, вой юракларингдан аканг, дедим...”

Ҳой Маҳкам, ит эмган Ҳайдарининг гапини эшитдингми ҳали? Ҳа, дейди у, шу афанди мактабидан ўқиб чиққан болалар, дейди, айрипланга тушиб учар эмиш, дейди. Шу айрипланинг нима ўзи-а? Тушунасанми ўзинг? Анув бирда учурган олабайроқ варрагимни кўрган эдинг-а? Худоё товба, тўртта кучук болани боғлаб учирибман думига! Ак-ак қилади. Қийқируқ. Бу лаш-лушларинг писанд қилсам пирингни арвойи!”

Адиб ўтмиш кўгирчоқлари бўлмиш Калвак маҳзум ва Тошпўлат тажанглар устидан мириқиб кулар экан, бу кулги ижтимоий кулгига, давр кулгисига айланади.

Абдулла Қодирийнинг ҳаётбахш кулгуси бизнинг давримизда ҳам янграб турибди. Бизлар ҳам бугун адиб кулган, масхара қилган жоҳил ва нодонлар, ҳаётда ўз ўрнини тополмай юрганлар устидан баралла куламиз.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди.

ҲАЁТБАХШ КУЛГУЛАР ИЖОДКОРИ



Тошкентда “Чашма-94” фольклор жамоаларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистондан вакиллар иштирок этишди. Кўрик-танловни Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази ташкил этди. Икки кун мобайнида вилоят ансамбллари халқ санъатининг дурдонаси саналмиш турли халқ термаларидан ижро этдилар, тобора унутилиб борилаётган турли айтишувларни йиғилганларга ҳаё қилдилар. Қадимда урф бўлган одатлар, расм-русумлар, офори-атиқалар ёдга олинди.

Вилоят дасталари театрлаштирган мазкур дастурлар муносиб тақдирланди. Кўрик-танловда олий мукофот Навоий вилоятининг Нурота туманидаги “Нуржаҳон” фольклор ансамблига насиб этди. Биринчи ўринни эса Қашқадарё вилоятининг “Чироқчи чироқлари” дастаси эгаллади.

СУРАТЛАРДА: “Чашма-94” республика кўрик-танловидан лавҳалар.

Матн ва суратлар муаллифи Мухаммад АМИН.



Унбеш йилча бурун эшитган бир гапни эсласам, юрагим туз селгандай ачишади.

Автобуста борар эдик. Навбатдаги бекатда ҳасса тутган киши чикди. Бўш жой йўқ. Утирганлар орасида ёшлар ҳам бор. Ҳечким ўрнидан турмади.

Автобус бир чайқалган эди, ҳалиги киши чайқалиб бир йигитга урилди.

— Узингизни ушлаб турсангиз бўлмайдингми? — жеркиди йигит.

Ҳасса тутган киши кулимсираб деди:

— Қўл ногиронда, ўғлим, оёқ ҳам.

— Ногирон бўлсангиз, уйингизда утиринг.

— Э, ўғлим...

Кексанинг гапи оғзида қолди. Йигит тутқди.

— Ўғлим деманг, менга ота бўлолмайсиз.

— Ҳўп, ўғлим эмасиз. Лекин, отангизга тенгқурдирман, Шу кулларни деб душман билан жанг қилганман.

— Урушга борган бўлсангиз, бурчингизни бажаргансиз. Урмонда қочиб юриб, энди ўзингизни қаҳрамон қилиб кўрсатаёпсизми?

— Тилингни тий, гўдак? — тутақиб кетди кекса.

— Гўдаклигини кўрсатиб қўяман, сас-сиқ чол. — У кексага ташланди. Хайрият енидагилар тутиб қолишди. Йигит аламини босолмай сўкнишида давом этди.

Кексанинг қиёфаси ҳамон кўз олдимида турибди. Аллаким унга жой бўшатди. Ота ўтирмади. Унинг ногирон вужуди алам ва ўқинчдан тутаб енарни чамамда. Бизлар томошабин бўлиб ўтирардик. Ҳеч ким такаббур, беодоб йигитга “бас қил” деелмади. Мен ҳам.

Аваллари уруш қатнашчиси ҳақида езиш зарур бўлса, қаҳрамонимизнинг қанча орден бору қандай жанг қилиб, неча душманини сафдан чиқаргани билан қизиқардик. Энди уйласам, уруш иштирокчиси деган гапнинг ўзи кишиларга берилган юқори баҳо экан. Ҳозирги кунда уруш иштирокчилари —

кўзларимизга тўтиё. Орамиздан кетганлари эса тагин ҳам мўътабар. Чунки бизни деб оловларга кириб, жанг қилдилар. Бизни деб, ногирон бўлиб қайтдилар. Бироқ бугунги мустақиллигимизни кўролмай кетдилар. Шунинг учун ҳам улар руҳи олдидан, улар қабри тепасида қанча таъзим қилиб, қанча тиз чўксак кам.

ЛОҚАЙД БУЛМАНГ, ОДАМЛАР!

Нарзулла бобо Умиров тўқсон бир ёшларида орамиздан кетдилар. Тирикликда у киши иззат топмади деёлмайман. Аммо биз шундай кишиларни эъзозладик, деб айтишдан ҳам уяламан. Асли Ховос билан Уратепа оралигида жойлашган Қўшқанд қишлоғида тутилган бу одам ўттинчи йилларда Боевут даштига келиб, янги ер очган йигитларнинг бири эди. Новча, бақувват бўлгани учун Сталинград жангида “Нарзулла полтара” лақабини олган экан. Қирқ тўртинчи йилнинг авжи қиш чилласида Нарзулла Умиров уйига келганида, кучоқ очиб кутиб оладиган кимса бўлмади. Қўни қўшчиларга ҳамма безгак, соғлари эса очликдан ҳолсиз, шишиб кетган эди.

Жангчи хотини Кумушни сўради. “Нон дўконидан навбат кутиб ўтирибди”, дейишди. “Ўзи соғми”, деб сўради жангчи. “Хастароқ” дейишди. Бир неча дақиқага ечилган шинел яна елкага ташланди. Умиров дўконга етиб бориб, тик турганлар сафига аланглади. Улар орасида остиларига похол солиб, қор устида ётганлар ҳам бор эди.

— Аскар келди. Аскар келди — деган хи-

тоблар ўрмалади. Аллаким “Нарзулла келди”, деди. Кумуш аллақандай ун чиқарди. Эрига талпинди. Қўлларини қорга тираб турмоқчи бўлди, туролмади. Эмаклар узун бўйли жангчи енига етиб, шинелининг этагини тутди. Шундагина жангчи хотинини таниди. Шинелини ечиб, унга епди... Бу дамлар Юсуф билан Зулайхо дийдор кўришувидан

тўқсон йилча олдин уруш ногиронини ҳафа қилган такаббурга чурқ этмагандай бугунги иллатларга ҳам лоқайдимиз. Назрулла бобо сафдошлари, сизлар қаерда қолдингиз? Нега жимсиз? Мустақил Ўзбекистонимизнинг эртанги кунни, шу кунни яратадиган ҳозирги ёшларнинг тақдирини нега сизларни безовта қилмайди? Бирлашсангиз, қудратли кучсиз. Ҳар биримиз аввало фарзандларимиз, қўни-қўшниларимиз дилига эзгулик ва адолат, инсоф ва имон уруғини сепайлик. Фақат шундагина Нарзулла боболар руҳи шод, Ватанимиз бой ва обод бўлади.

Нарзулла Умиров салкам етмиш йиллик умрини Мирзачўлга, Боевут даштини ўзлаштиришга бағишлади. У Кумуш Умирова билан ертўлаларда тунаб, меҳнат қилди. Қишда туйнугини қор босиб суткалаб ташқарига чиқолмай қолган пайтлар бўлди. Улар нолимадилар, ортга кечинмадилар. Тўрт ўғил, уч қизни ҳалол топган нон билан боқиб ўстирдилар. Мана энди уларнинг бири тиббиёт фанлари номзоди, бири инженер, бири ер соҳибни. Бироқ яна бепарвомиз. Шундай бобомизнинг қадрига ҳамон етмайпмиз.

У киши ўзлаштирган ерларда “2-Боевут” совхозни бунёд этилди. Кейинчалик “1 Май” совхозни ташкил топди. Бир ярим йил аввал шу хўжалик қишлоқлари халқи тўпланиб, “1 Май” ширкатлар уюшмасига Нарзулла Умиров номини беришга қарор қилдилар. Боевут туман ҳокимлиги бу қарорни инобатга олди. Бироқ ҳали бу амалга ошгани йўқ. Бунга ҳам бепарвомиз.

Лоқайд бўлманг, одамлар! Ҳаётга Нарзулла бободек қараг. Уша кишидек алдамчиликка, худбинликка, евузликка нафрат сочинг. Бу ишда ҳаммангизга ҳамон биз билан яшаётган кексаларнинг ақл-фаросати, оғир курашлардан сўнг абадий уйқуга кетган боболарнинг руҳи мададкор бўлсин.

Саминжон СУЛТОНОВ.

ДЕКАБРЬ

5 ДУШАНБА

ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ислохот ва масъулият". 18.40 "Осойишталик побсонлари". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 ЎзТВ фондидан. "Олтин водий куйчиси". Фильм-концерт. 19.50 "Олий таълим — янгиланиш йўлида". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Конституция: сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари". 21.40 Адлия вазирлигининг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча ва концерт. "Туркистон" саройданг эзиб олинган. 22.35 Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига, "Рух". Хужжатли фильм. 23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Полопон". 18.55 — 21.25 Адабий-бадий видеоканал. — "Ойна". — "Фалакнинг гардиши". — "Студиямиз меҳмони". — "Шунчаки саргузашт". 21.25 — 23.00 "Белорус вокзали". Бадий фильм.

ЎЗТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель". 19.50 "Иктисодиётимиз таянчи".

"ОМАД" таништиради:

20.05 "Совга". 20.35 "4/8". Мусикий кўрсатув. 20.50 "Тахлил". Газеталар шарҳи. 21.00 Эълонлар. 21.05 Видео-"О". 22.35 Эълонлар. 22.40 "Курьер". 23.00 "Яна об-хаво ҳақида". 23.15 — 23.25 "Постфактум". Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Ҳаммаинг тилида". 18.30 "Эҳтиёт бўлинг, СПИД". Муаммоли репортаж. 18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Фон Кароян. 18.50 Янгиланган. 19.00 "Тигиз пайт". 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика). 19.55 "Тарих жумбоқлари". 1-қисм. Кўрсатувни Э. Радзинский олиб боради. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиланган. 21.40 А. И. Солженицин билан учрашувлар. 21.55 "Тарих жумбоқлари". 2-қисм. 22.35 — 22.50 "Спорт унк-энди".

6 СЕШАНБА

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Баъзида эслаб кўй". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.00 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йиллари". 11.40 Немис тили. 12.00 "Ислохот одимлари". 12.30 Чолгу куйларидан концерт. 13.00 Юнон-Рим кураши бўйича С. Раҳимов хотирасига бағишланган турнир. 13.40 — 13.55 "Булоқ кўз очса...".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Кўгирчоқлар — менинг дўстларим". 18.40 "Бозор иктисодиети сабоқлари". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 Спорт хабарномаси. 19.30 "Ўзбекистон лутф". Адабий кўрсатув. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ғаллазорлар пайхон бўлмасин". 21.30 Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча. Республика Киночиган уйдан эзиб олинган. 23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультикарусель". 19.00 "Бу сир эмас". 19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 20.00 Видеогад. 20.20 "Теле-ателье-шоу". 20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 21.15 — 23.00 "Кинонигоҳ".

ЎЗТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси. 19.40 "Мультикарусель". 19.50 "Ислохот ва муаммо".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиланган. 20.35 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.35 "Вариацияли мавзу". 22.25 "Би-Би-Си" янгиланган. 22.40 "Ён кўшим — жон кўшим". 23.15 — 23.30 "Муסיқали саъхат".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 - 9.00 "Тонг".

18.00 "Кўхна майдон сирлари". 18.30 "СБ" жумбоғи. 18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Ж. Кусто. 18.50 Янгиланган. 19.00 "Тигиз пайт". 19.25 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.55 "Мавзу". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиланган. 21.40 "Илк мандадан". 21.50 "Кўшиқ-94". 22.35 — 23.05 "Гол".

7 ЧОРШАНБА

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Бир куну бир умр". Бадий фильм. 10.20 "Сахродаги кўрикхона". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. 11.00 Футбол майдонларида. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари. 12.00 "Юрагим Хивада қолди". Концерт. 12.40 Инглиз тили. 13.10 — 14.50 "Ёшлик" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Санъат гунчалари". 18.35 "Фармон ва ижро". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 "Диёр мадҳи". Концерт. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Хотира". Хайриддин Салоҳ. 21.45 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ҳамда санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти. 23.45 — 00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Бумеранг". 19.00 "Халқ саломатлиги йўлида". 19.45 "Мусикий меҳмонхона". 20.45 "Тошкент оқшомида". 21.45 — 23.45 "Сочидаги тунлар". Бадий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎЗТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель". 19.50 "Имкониёт излаб".

20.20 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм. 21.10 — 00.10

"ОМАД" таништиради:

"КИТЪА СПОРТИ".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 - 9.00 "Тонг".

18.00 Эфирда — Давлатларо "Мир" телерадиокомпанияси. "Мулоқот". 18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Е. Пагон. 18.50 Янгиланган. 19.00 "Тигиз пайт". 19.25 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.55 "Сени муҳаббатга раво кўраман..." Н. Караченцов. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиланган. 21.40 "Даракчилар". 22.10 Бадий фильм.

8 ПАЙШАНБА

ЎЗТВ I

7.00 — 01.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУНИНИГ 2 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

УЗЛУКСИЗ БАЙРАМ КўРСАТУВЛАРИНИ

ТОМОША ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими. 18.35 "Жозиб а". 18.50 "Бир шингил хангома". 19.05 "Тумор". 19.15 "Муҳаббатга ошно қалблар". 19.35 "Теле-ателье-шоу". 19.45 Видео янгиланган. 20.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 20.50 — 22.50 "Кинонигоҳ".

ЎЗТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель". 19.50 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Ёдингдими, дўстим".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиланган. 20.35 Бугун — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куну. 20.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм. 21.45 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 22.45 — 23.35 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Пари Сен-Жермен" (Франция) — "Спартак" (Москва).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 - 9.00 "Тонг".

6.30 - 9.00 "Тонг".

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар". 18.30 "Инсон ва қонун". Махсус сони. 18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Франц Иосиф. 18.50 Янгиланган. 19.00 "Тигиз пайт". 19.25 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.50 "Овация" таништиради... 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиланган. 21.40 Шахмат олимпиадасида. 21.50 Баскетбол. Клублар ўртасида Европа чемпионати. Эрақлар. МАСК — "Скаволини" (Италия). 22.40 — 23.00 "Москва - Кремль".

9 ЖУМА

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Эртақлар тарк этган дара". Бадий фильм. 10.20 "Соғлом авлод учун". 10.40 Немис тили. 11.00 "Ёшлар ва замон". 12.00 "Иктисодиётимиз таянчи". 12.15 "Бола бошидан...". 12.50 — 14.30 "Синов даври". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Мухбирларимиз хикоя қилади. 18.25 "Таълим ва ислохот". Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 60 ёшда. 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 "Ёшлик студияси. Асрор Самад. "Кўлларимни қайтариб беринг". Теленовелла. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ҳақиқат кўрғони". Республика Олий Судининг 70 йиллигига. 21.50 "Маком". Фильм-концерт. 22.20 "Кино усталари". Халқ артисти Наби Раҳимов. 23.10 — 23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Учқун". 19.00 "Ўтмишсиз келажак йўқи". 19.30 "Билиб қўйган яхши". 19.55 "Устозларни ед этиб". 20.50 — 21.50 "Кинотриада".

ЎЗТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель". 19.50 "Кашф этилаётган имкониётлар". 20.25 Телефильм. 20.35 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

"ОМАД" таништиради:

21.30 Эълонлар. 21.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 22.10 "Даракчи". 22.20 Эълонлар. 22.25 — 00.15 Видео-"О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 - 9.00 "Тонг".

18.00 "Инсон ва қонун". 18.30 "Россия тароналари". "Миряне" ансамбли куйлайди (Пенза шаҳри). 18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Г. Геринг. 18.50 Янгиланган. 19.00 "Бомонд". 19.20 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.50 "Мўъжизалар майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиланган. 21.40 "Хафтаннинг машхур кишиси". 22.00 - 23.25 "Капитанга турмушга чиқаман". Бадий фильм.

10 ШАНБА

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Дурангсиз ўйин". Бадий фильм. 10.35 "Талаба ва спорт". 11.05 "Хуқуқнингизни биласизми?". 11.25 "Халқ ижодиети". 12.05 Болалар учун театр. "Қиличчи — тўқмоқ". 12.35 "Фахрийлар — фахримиз". 13.25 "Созандалар ҳақида хикоялар". Адиба Шарипова. 14.05 "Қалбада муқаддаслик бор". Кинокўрсатув. 14.45 — 15.30 "Ёшлик" студияси. "Ҳаёт чироқлари".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Икки кучуқнинг саргузашти". Мультифильм. 18.10 Болалар учун. "Кўшигим, жон кўшигим". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 Спорт хабарномаси. 19.30 "Қалбим тароналари". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Раззоқова. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Демократик сайловлар сари". 22.00 "Барҳаёт наволар". Комилжон Отаниязов. 23.20 "Тунги ерду". Дам олиш кинодастури.

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультикарусель". 9.30 "Бу сир эмас". 9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва

Эълонлар. 10.30 "Видеогад". 10.50 "Теле-ателье-шоу". 11.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 11.45 "Кинонигоҳ". 13.15 "Омад" тақвими. 13.20 "Жозиб а". 13.30 "Бир шингил хангома". 13.40 "Тумор". 13.50 "Муҳаббатга ошно қалблар". 14.10 "Теле-ателье-шоу". 14.20 Видео янгиланган. 14.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 15.25 — 17.00 "Кинонигоҳ".

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.10 "Пульс". Хабарлар. 19.25 "Коллекция". 19.45 "Кичик дебют". 20.35 "Дарвоқе...". 21.35 — 23.00 "Кинематограф".

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Қалбим ҳарорати". 10.30 "Юксалиш". 11.10 "Анор меваси". 11.50 — 12.05 "Календарда байрам кунлари".

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.50 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 20.15 "Ўзбекистон — ҳамкорлик йўлида". 20.50 "Умид" (уйгур тилида). 21.00 "Рангинкамон" (тожик хонандалари билан учрашув). 21.40 "Би-Би-Си" янгиланган. 21.50 "Интердиалог". (Санкт-Петербургда ўзбекистонлик мусавирлар кўргазмаси). 22.30 "Бу ажиб дунё". 22.50 — 23.00 "Си-Эн-Эн" янгиланган.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 "Брей-ринг". 18.20 "Ўшангача ва ундан сўнг...". Кўрсатувни В. Молчанов олиб боради. 19.10 Мультифильм. 19.30 "Нима? Қаерда? Қачон?". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиланган. 21.45 - 23.35 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Жаннатдаги қотиллик". Бадий фильм.

11 ЯКШАНБА

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Маргилон". "Ўзбектелефильм". Премьера. 9.10 "Махорат мактаби". 1. Теннис ўйнашни ўрганамиз. 2. "Шохрух" клуби. 10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан". 10.30 "Меҳр". 11.00 "Сирли сандиқ". Телевизион ўйини. 11.50 "Жараён". 12.40 Шеърлий дақиқалар. 12.55 "Цирк! Цирк! Цирк!". 13.40 — 15.00 "Чашма-94". Фольклор жамоалари Республика кўрик-танлови голибларининг концерти.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. "Уйла! Изла! Топ!". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида). 19.30 Эълонлар. 19.35 "Ойнаи жаҳонда...". 19.55 Дам олиш концерти. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ҳафтанома". 21.00 Эълонлар. 21.05 "Демократик сайловлар сари". 21.50 "Ёзги таътилда". Бадий фильм (Миср). 23.40 — 00.10 "Ҳафтанома".

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништиради:

17.00 "Совга". 17.30 "4/8". Мусикий кўрсатув. 17.50 Эълонлар. 18.00 Видео-"О". 19.40 Эълонлар. 19.50 "Курьер". 20.10 "Об-хаво ҳақида". 20.25 "Постфактум". 20.35 "Даракчи". 20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 21.15 — 22.45 Видео-"О".

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Таклифлар ва ташрифлар". 10.20 "Интерпартнёр". 11.00 "Муסיқали саъхат". 11.30 — 12.00 "Синема".

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 20.20 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.20 "Би-Би-Си" янгиланган. 21.35 "Дунё эшиги". 22.15 "Си-Эн-Эн" янгиланган. 22.30 — 22.50 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиланган (сурдо таржимаси билан). 18.15 "Мен Сизни учратдим...". Зураб Соткилава куйлайди. 18.25 "Баскетбол жазабаси". "Ҳақиқий ажина оловчилар". Мультифильмлар (АҚШ). 19.25 "Бутун Россия". 19.55 Сильвестр Сталлоне "Қояни забт этувчи" бадий фильмида (АҚШ). 22.00 - 22.50 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

"Тошкентдан гапирмиш ва кўрсатамиш" дастуридан.



АНТИҚА МУЗЕЙ

• ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Базель шаҳрида Элизабет Миоллер яратган бу музей унинг айтишича, дунёда ягонадир. Шаҳардаги истироҳат боғида қад кўтарган бу чиройли бинода фақат мушукларга оид нарсалар намойиш қилинади.

Музейда уларнинг чинни, тош, ёғоч, пластмасса, мум ва бронзадан ишланган ҳайкалчалари, машхур расмлар чизган суратлари бор. Намойиш қилинаётган нарсалар ичида энг диққатга сазовори беш минг йил аввалроқ мўмеланган мушук жасади-дир. Музейда филателист ва бошқа коллекционерлар учун мушук суратли почта маркалари, хат жилдлар, елпигич, тароқ ва тўноғичлар ҳам бор. Залларнинг бирига мушуклар оиласи ёввойи вакилл

ОБУНА 15 ДЕКАБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР,
КАСАБА УЮШМАСИ
ФАОЛЛАРИ!

"Ишонч" ва "Ишонч-Доверие"
газеталарига 1995 йил учун обуна давом
этмоқда.

"ИШОНЧ"НИНГ ФУҚАРОЛАР УЧУН ЯККА
ТАРТИБДАГИ ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ -
97 сўм 20 тийин (нашр кўрсаткичи 64560).

"ИШОНЧ-ДОВЕРИЕ" УЧУН ЙИЛЛИК
ОБУНА БАҲОСИ 22 сўм 80 тийин
(нашр кўрсаткичи - 64564).

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН
"ИШОНЧ"НИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА
БАҲОСИ 177 сўм 60 тийин
(нашр кўрсаткичи - 64561).

"ИШОНЧ-ДОВЕРИЕ" УЧУН ЙИЛЛИК
ОБУНА БАҲОСИ 40 сўм 80 тийин
(нашр кўрсаткичи - 64568).

Обуна барча алоқа бўлимларида қабул
қилинмоқда.



Кийим илвучи Ханифашафани "Нозик ошна-лар" маъракасида тез-тез учрашиб қолиш мумкин. Биров иш буюрса оғзидан "хўп бўлади" деган сўз тушмасди.

— Ханифашафи, меҳмонларга ликопча келтир!

- Хўп бўлади, Қурбоннинг бўлай!..
- Ханифашафи, чой куй!
- Ҳозир, ҳозир, қароғим...
- Ханифашафи, стуллар етишмаяпти!
- Ҳаммасини муҳайё қиламиз, азизларим!
- Ханифашафи, меҳмонларнинг пальтосини кийгизвор!

— Бош устига. Бу бизнинг касбимиз-ку!..

Дом тўйларда идиш-товоқлар билан шуғуллангани учун кийимларини ёғ босиб кетган, маъракаларда чой ташийверганидан ковуши қийшайиб кетган. Балки, шунинг учун гурурини йўқотиб қўйгандир, дерсиз. Балки... тагин ким билди. Лекин хаёлингизга нимани келтирмангки Ханифашафи зиёфатларга икки қўлини бурнига тиқиб келиб, еб-ичиб кетади, деб. Йўқ!.. Ҳеч бундай бўлмаган. Кўпчилик "керамас", деса ҳам қимматбах о совғалар олиб келаверади. Лекин қаерга бормасин, иши бошидан ошиб кетарди. Ҳатто оқат ейишга ҳам қўли тегмай уйга оч қайтарди.

Кейинги пайтларда меҳмонларга қақирадиган "нозик ошна"лари шунчалик кўпайиб кетдики, кўзини очирмай қўйишди. Хотини билан ёнжиллашадиган бўлиб қолди.

Бир куни хотини:

— Ханифа, амакингнинг касали оғирлашиб қолибди, ахир отангнинг акаси, бирров ҳол сўраб келсанг бўларди,— деди.

— Амаким касал дейсанми? Ох, ох, ҳол сўраш керак албатта, лекин боролмайман. Бугун директоримиз курортдан қайтади, кутиб олишим керак...

Бир куни хотини яна эслатди:

— Эртага саккизинчи март — Байрам!

ХИЗМАТГА ТАЙЁР

— Биламан. Ҳатто совға ҳам олиб қўйганман! Лекин, эртага бухгалтеримизнинг хотининикига боришим керак!

— Кулоқ солинг, эрхон, қўшимизнинг онаси ўлиб қопти. Пайшанба куни акакининг қайнатасиникида йил оши.

— Пайшанба куни директор ўринбосари қайнатасининг 80 йиллигига қақирланганман!

Қариндош-уруғлар бегоналашиб қолди. У эса ҳамон бошқаларнинг тўю-маъракасида елпатак. У қаерга бормасин, буюрилган ишни киприк қоқмай бажаради. Ҳаммадан олдин бориб, энг кейин кетади. Энди фақат "нозик ошна"лари эмас, уларнинг болалари, қариндошлари, ҳатто анча йироқ танишлариникига қақирладиган бўлди. Улар шоҳ ташлаб ўйнаса, у ассага тушади. Улар ҳам тортган жойда Ханифашафи аччиқ ёш

тўкади. Улар илжайса, у хандон отиб кулади. Шундай қилиб, кунлар, ойлар, йиллар ўтаверади.

Бир куни қизининг тўйини ўтказмоқчи бўлди. Ўша кеч ҳаммомнинг директори мажлис эълон қилиб қўйган экан. Тўйни ташлаб тўғри ўша ерга борди.

Шунга ўхшаш яна арзимаган сабабларга кўра тўй қолдирилди. Кейин яна қолдирилди... Ниҳоят юраги дош беролмай ётиб қолди. Врачлар касални аниқлай олмай, хунуб бўлишди.

Бечора чолнинг юрагида ҳурматли меҳмонлар учун аталган ширин сўзлари, иззат-икромлари тошдай бўлиб ётарди.

— Ҳеч қиси йўқ,— дейди у ўзини-ўзи овутиб,— дўст қаттиқ кунда билинади, дейишади. Тўйга келишмаса, худо хайрларини берсин. Ишқилиб, оғир вақтларда унутимасамас бас.

У ҳаммага пальто кийгизавеганидан бўйи пасайиб кетгандек эди. Шунинг учун хотинига, қизи, атрофдагиларга филтиллаб туриб, йиғлаб юборди... Сўнг чуқур нафас олиб жим бўлди. Чунки у мангулик уйқусига кетган эди.

Эртасига Ханифашафани кўмишди. Мозорбошига фақат онласидагилар боришди, холос. Ҳамиша ҳурматли саналган "нозик ошна"лардан биронтаси уни эсламади ҳам. Ҳамиша ҳамманинг хизматига тайёр турадиган Ханифашафи бутунлай унутилиб кетди.

Озарбайжончадан
Ҳайдар МУҲАММАД
таржимаси.

ТОҒ ЭЧКИСИ. (Козерог — 21 декабрь билан 20 январь ўртасида туғилганлар ҳомийси). Бу ой ичи сизга омад кулиб боқади. Уйламасдан бир иш бошламанг. Аёллар декабрь ойи узоқ вақтдан бери кўрмаган энг яхши одами билан қайта учрашадилар. Янги бирон ишни бошлашга уринманг.

КОВҒА. (Водолей — 21 январь билан 19 февраль ўртасида туғилганлар ҳомийси). Сизнинг халелпарастликка берилверинингиз ниҳоят омадингиз учун эшик очади. Бундан буён тақдирга тан беринг. Бирон ишни бошлашга кўнглингиз чопмаса, иложи борича бу ҳиссиётдан қутулишга урининг.

БАЛИҚ. (Рыба — 21 февраль билан 20 март ўртасида туғилганлар ҳомийси). Сезгирлигингиз бу ой ичи алдамайди. Айниқса, балиқ ҳомийсидаги аёллар шахсий ҳаёти бўйича анча-мунча ғалабага эришади. Бирок, асабини сақлаб билиш керак. Балиқ ҳомийсидагилар учун 11 декабрь кулиб боқади.

ҚҮЙ. (Овен — 21 март билан 20 апрель ўртасида туғилганлар ҳомийси). Сизнинг феъл-атворингиз яхшиланимас экан, нохушликка дучор бўлишингиз мумкин. Шунинг учун кўнглингизни кенг қилишга урининг. Охири бахайр бўлади. Янги йилни оилангиз доирасида кутиб олинг.

СИГИР. (Телец — 21 апрель билан 20 май ўртасида туғилганлар ҳомийси). Қўлингиздаги бор пулни охиригача сарф қилиб қўйманг. Майда-чуйда нарсаларни деб ўжарликка берилманг. 6 декабрь куни сизга яхши хабар келади. Сигир ҳомийсидагилар одатда узоқ яшайдилар. Шунинг учун иложи борича ўзингизга еқмаган ва инсоний фазилатларни бузадиган одатлардан йироқроқ юринг.

ЭГИЗАКЛАР. (Близнецы — 21 май билан 20 июнь ўртасида туғилганлар ҳомийси). Декабр ойи ичи ижодий ишингиз юришиб кетади. Бор қобилиятингизни ишга солишга урининг. Аёллар энг яхши кўрган ва юракларига яқин кишилар билан қайта топишиб, ярашиб олишади. Шу билан декабрь ойи ичи йил бошидан бери ҳаракат қилиб эришолмай юрган омадига эришади.

ҚИСҚИЧБАҚА. (Рак — 22 июнь билан 23 июль ўртасида туғилганлар ҳомийси). Бу ой ичи сиз кўпроқ қариндош-уруғларингиз ва энг яқин

кишиларингиз билан бирга бўлишга урининг. Ўйлаб юрган ишингиз амалга ошади, катта фойда келтиради.

Янги йил кунлари кийинадиган кийимларингиз оқ рангда эки кумуш тўсда бўлиши керак.

АРСЛОН. (Лев — 24 июль билан 23 август ўртасида туғилганлар ҳомийси). Ўзингизни хукмдордай гурурга берилверманг. Чунки бирон яқин кишингиз ўртасида "Қовун туширди" қилиб қўйишингиз мумкин. Аммо ҳаётий йўлингизга доим ишонч билан қаранг. Бирон рақибингиз энг нозик ерингизга қаттиқ тегиб кетишидан ўзингизни асранг.

БОШОҚ. (Дева — 24 август билан 23 сентябрь ўртасида туғилганлар ҳомийси). Тақдирингиз алдамайди. Декабр ойи ичи тақдирингиз буюрганига ишонинг. Таваккалчилик билан бошлаган ишингиз ҳам омад келтириши мумкин. Сиз учун энг хушвақтлик кун — 10 декабрь.

ТАРОЗИ. (Весы — 24 сентябрь билан 23 октябрь ўртасида туғилганлар ҳомийси). Андак нохушлик туғилиши мумкин. Бирок, янги йил олдида кайфиятингизни бухшишга кучи етмайди. Шуни унутманг: Сизга омад келтирадиган ранг — яшил. Яшил рангдаги бўйинбор, дастурмол эки тош, шунингдек, яшил рангда товланувчи туморлар ҳар қандай нохушликдан сизни асрайди.

ЧАЕН. (Скорпион — 24 октябрь билан 22 ноябрь ўртасида туғилганлар ҳомийси). Декабр ойи ичи бироз нотинчлик содир бўлиши мумкин. Шу туфайли ҳаяжонингиз ошиб юради. Лекин бундай кайфият иродангизни синашга ердан беради. Бу ой ичи сизга таклиф қилинган тадбиркорлик бўйича ишлардан юз ўтирманг.

ЕЙ. (Стрелец — 23 ноябрь билан 21 декабрда туғилганлар ҳомийси). Сиздаги вазминлик ва сабр-тоқатлилик фазилат дуч келган ҳар қандай мушкулликни осон қилишга ердан беради. Сиз айниқса, тижорат ишларини юргизиш билан катта ғалабага эришасиз. Сизнинг ишбилармонлиқдаги фаолиятингиз учун айниқса пайшанба кун кулиб боқади.

Ей ҳомийлигидаги аёллар декабрь ойи ичи жуда яхши ва кўпдан танишишни орзу қилиб юрган одами билан учрашади.

Ҳаммангизга омад тилаймиз!

БИЛИБ ҚҮЙГАН ЯХШИ САБЗАВОТЛАРНИ

қайнатидан олдин бироз муддат шўр сувда ушлаб турсангиз уларнинг пишши тезлашади.

● **ПОМИДОР,** лавлаг, шафтолиларни бир дақиқа қайноқ сувга солиб олсангиз уларнинг пўсти осон артилади.

● **ПЕТРУШКА** ва укропни ўрилган ҳолда узоқроқ сақламоқчи бўлсангиз уларни туз аралаштириб банкага соласиз ҳамда қопқонини ёпиб салқин жойга қўясиз.

● **БАҚЛАЖОН** қовураётганингизда ёғни шиммай тезроқ пишсин десангиз қовуришдан олдин уни шўр сувда чайинг ва суюқ хамирга тиқиб олинг.

● **ВИНЕГРЕТ** учун тўғралган лавлагини бошқа сабзавотларга қўшишдан олдин ўсимлик ёғи билан аралаштирсангиз унинг ранги чиқиб кетмайди.

● **САЛАТ** ва винегретларни стода қўйишдан олдин уларга тўғралган лимон пўчоғи аралаштириб юборсангиз таъми янада яхшиланади.

● **ПИЕЗ** тўғралган олдин пичоқни туз билан ишқаб юборсангиз пичоқдан нохуш ис келмайди.

● **БАЛИҚ** сақланган идишни туз билан ишқалаб совуқ сувда ювсангиз, қиддан асар ҳам қолмайди.

Тўшловчи: Муштарий БОНУ.

Газетамизнинг навбатдаги сони
17 декабрда чиқади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир ўринбосари
Акмал АКРОМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,
Абдуманноп АЛИМБОВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Турғунбой МАДИЁРОВ,
Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб),

Муҳаммадҷон ОТАҚУЛОВ,
Муҳайё ТўЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ.



• Бош муҳаррир қабулхонаси —

56-25-36

• Бош муҳаррир муовини — 56-52-89

• Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79

• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63

• Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ
МУҲБИРЛАРИМИЗНИНГ
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10

Бухорода — 3-50-10

Гулстонда — 2-24-98

Жиззахда — 2-31-41

Навоийда — 3-52-99

Наманганда — 6-22-10

Нукусда — 2-44-46

Самарқандда — 35-64-22

Термизда — 2-70-07

Тошкентда — 56-82-79

Фарғонада — 4-28-29

Урганчда — 6-03-40

Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган қўлэмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақоаллардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

• **СОТУВДА** эркин нарҳда.

• Шанба кунлари чиқади.

• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъуллар:
Турғун НАЗАРОВ,
Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
700165, Тошкент шаҳри,
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• 64660 нусхада босилди.
• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

• «Шарк» наприёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-1253.

1 2 3 4 5 6